БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 224 (4323)
1 ОКТЯБРЬ 1980 й.
ЧОРШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ 30 сентябрь куни Кремлда Совет — Ҳиндистон музокаралари бўлиб ўтди. Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида СССР билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йилда тузилган шартноманинг мустаҳкам негизига асосланувчи Совет — Ҳиндистон муносабатларининг асосий масалалари хусусида фикрлашиб олинди.

▲ 30 сентябрь куни Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитетида лекция пропагандасининг актуал вазифаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда сўзга чиққан нотиқлар иш тажрибасини ўртоқлашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетида

ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ

▲ 1 ОКТЯБРДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ БОШЛАНАДИ
▲ ШАҲРИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА ЧИРОЙЛИ БЎЛСИН
▲ АНЪАНАВИЙ ҲАШАРГА ҲАММАМИЗ ЧИҚАМИЗ

Куз — ободонлаштириш ишлари мавсуми. Йилнинг худди ана шу даврида янги хиёбонлар, бульварлар барпо қилинади, кўча ва майдонларнинг яшил либоси кенгаяди, йўл ва йўлкалар ремонти ниҳоясига етказилади, шаҳарнинг барча мураккаб хўжалиги совуқ кунларга тайёрланади.

Бу йил ободонлаштириш ойлиги ўтказиш ташаббуси билан Сергели ва Фрунзе районлари корхона ва ташкилотларининг коллективлари чиқишди. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги олдидан Тошкентни янада гўзал ва чиройли бўлиши учун шаҳарликларни магистраллар, майдонлар, кўчалар, уйларнинг ташқи кўринишини намунали сақлашда фаол қатнашишга чақирдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, шаҳар Совети ижроия комитети Сергели ҳамда Фрунзе районлари меҳнаткашларининг ташаббусини маъқуллашди ва 1980 йилнинг 1 октябридан 1 ноябригача ободонлаштириш ва шаҳар районлари санитария ҳолатини яхшилаш ойлигини ўтказишга қарор қилишди.

Район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советларининг ижроия комитетларига икки районнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва Ўзбекистон пойтахтининг барча корхоналари, ташкилотлари ўртасида кенг ёйиш таклиф этилди. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ўтказиш, турар жой массивлари, уйларнинг балконлари, болалар майдончалари, ишлаб чиқариш ва маъмурий бинолар, кичик архитектура элементлари ва шаҳар магистраллари санитария ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ тадбирларни бир ҳафта ичида ишлаб чиқиш зарур.

Ҳар бир корхона, ташкилот, ўқув юрти, турар жой ташкилотига алоҳида участка, кўча, майдони бириктириб қўйиш лозим. Улар бу жойларнинг санитария ҳолатини талаб даражасига келтиришлари ва намунали сақлашлари керак.

Йўллар, йўлкалар, кўприклар, ер ости ўтиш жойлари, ирригация тармоқларини тозалаш, ремонтдан чиқариш зарур. Айниқса, маъмурий, ноёб ва ишлаб чиқариш биноларининг ташқи кўринишига, балконлар, подъездларнинг ҳолатига алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шаҳардаги барча пассажир транспорт турларини координация қилиш бошқармаси, трамвай-троллейбуслар бошқармаси, «Главташпассавтотранс» электр ва автомобиль транспортининг барча стационар ва линия қурилмаларини тартибга келтиришлари ва бекатларни ободонлаштириб, ремонтдан чиқаришлари керак.

Қурилиш объектларида тиндиргичлари бўлган ювиш жойлари жиҳозланиши, тўсиқлар тартибга келтирилиши лозим. Давлат автомобиль инспекцияси ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг санитария милицияси қурилиш майдонларининг ҳолати, тупроқ ва сочма материалларнинг ташилиши қоидаларига риоя этилишини жиддий назорат қилишлари зарур.

Ободонлаштириш ишларини координация қилиш, шунингдек ойликнинг боришини назорат қилиш мақсадида шаҳар штаби тузилди. Шундай штаблар ни районлар, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда тузиш таклиф этилди.

Меҳнат коллективларида сиёсий-тарбиявий ишни авж олдириш, меҳнаткашларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича шанбалик ва якшанбаликларга актив тортиш керак.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияларига ойликнинг боришини кенг ёритиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети ишонч билдирадики, корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртларининг коллективлари ободонлаштириш ойлиги даврида ғайрат билан меҳнат қилишади, Ўзбекистон пойтахтини янада гўзал ва чиройли бўлиши учун барча ишларни амалга оширадилар.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

КОМСОМОЛЛАРНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН

Тошкент трактор заводи механика-йиғув цехининг барча ишлаб чиқариш участкаларида маҳсулот сифатини текширадиган комсомол постлари ишлай бошлади. Бундай постлар комсомолларнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши қарорига мувофиқ тузилди. Йиғилишда Сергей Сейтислямов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасининг фаолияти маъқулланди. Бу бригада коллективда биринчи бўлиб маҳсулотни контролерга тақдим этмасдан топшириш ҳуқуқини олди.

Бу бригадалардаги саккиз станокчининг ҳар бири трактор деталларини токарлик, силликлаш, пармалаш ва бошқа станокларда ишлашнинг барча турдош операцияларини эгаллади. Бу эса ҳар бир иш жойида ходимларнинг бир-бирини алмаштира олиш, коллективда ўзаро контролни ўрнатиш имконини берди, меҳнатга ягона наряд асосида ҳақ тўлаган ҳолда ишнинг бригада методига ўтишни енгиллаштирди.

Комсомолларнинг талабига мувофиқ машина-ускуналардаги эскириб қолган жиҳозлар янгиланди, бу эса деталларга аниқроқ ишлов бериш имконини яратди. Якунловчи операцияларда маҳсулотни контроль ўлчашни станокчиларнинг ўзлари бажарадиган бўлди. Улар маҳсулот сифатини текширувчи жамоатчи постларни ташкил этишди. Ўз иши учун масъулиятни юксак даража сезиш шунга олиб келдики, бригаданинг ҳамма аъзолари маҳсулотга ўз шахсий тамғасини қўйиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Кўп ўтмай Валерий Серебренников, Виктор Жориков-Бородулин ва Александр Губарев бошлиқ яна учта комсомол-ёшлар коллективи Сейтислямов бригадаси ташаббусининг издоши бўлишди. Комсомолларнинг таклифига мувофиқ цехда ёш ишчиларнинг малакасини ошириш мактаблари ташкил қилинди. Бу мактабларда тажрибали мураббийлар раҳбарлигида юздан кўпроқ киши маҳорат сирларини билиб олишди.

Цех комсомол бюросининг янги состави (бу составга С. Сейтислямов ҳам кирди) барча механика участкаларида ва йиғув конвейерида маҳсулот сифатига эътиборни кучайтирди. Шу мақсадда тузилган маҳсулот сифатини текшириш постлари бракка қарши қатъий кураш олиб бормоқдалар.

(ЎзТАГ).

Раъно Тошпўлатованинг «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-филиалида меҳнат қилаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. У уддабуронлиги ва ҳаракатчанлиги туфайли қисқа вақтда илғор тўқувчилар сафидан ўрин олди. Комсомол аъзоси Р. Тошпўлатова шу кунларда смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрламоқда. СУРАТДА: Раъно Тошпўлатова.

МАШИНА ЮВАДИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлигига қарашли Марказий конструкторлик бюросининг тажриба ишлаб чиқариш бўлимида сут маҳсулотлари солинадиган пластмасса тараларнинг ташқи томонини механик тарзда ювадиган машина устидаги ишлар ниҳоясига етказилди. Янги машина шу йилдан Тошкент сут заводида жорий этилади.

— Айни пайтда, — дейди мазкур машина конструктори П. Миронец, — пластмасса яшчиклар ҳамма ерда қўл билан ювилмоқда. Биз яратган машина ана шу оғир меҳнатни енгиллаштиради.

«МОТОКОВ» БИРЛАШМАСИНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти территориясида ЧССР корхоналари ишлаб чиқараётган қишлоқ хўжалик машина-механизмлари кўргазмаси очилди. Боғларда, токзорларда, полизларда, озуқабоп экинлар етиштириладиган майдонларда ишлатиладиган кичик ҳажмли универсал машиналар ва осма механизмлар кўргазмага қўйилган. Бу ерда ҳайдаш, уни текислаш, қатор ораларини юмшатиш учун ишлатиладиган осма механизмлар комплекти бўлган микротракторлар, культиваторлар, турли конструкциядаги моторли косилкалар бор. Чорвачилик учун ем-хашакни қайта ишлайдиган, сақлайдиган ва тайёрлайдиган комплекснинг макети, тупроқ қатқалоғини юмшатадиган фреза, боғларнинг қатор ораларидаги ва бориш қийин бўлган участкалардаги хашаки ўтларни ўрадиган косилкалар, экинларнинг палагини йиғиштирадиган комбайн диққатни ўзига жалб этади.

Кўргазмани Чехословакиянинг «Мотоков» ташқи савдо бирлашмаси билан СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ташкил этган.

(ЎзТАГ).

МУНОСИБ СОВҒА БЎЛАДИ

БУГУН

Тошкент экскаватор заводи коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқарган экскаваторлари мингтадан ошиб кетди. Тошкентлик машинасозлар илгариги «Э-304Б» маркали машинани такомиллаштириб, ҳозирги кунда бош конвейердан бирмунча афзалликларга эга бўлган «Э-304Г» маркали экскаваторни туширмоқдалар.

Фахрли беш қирралли белгига сазовор бўлган бу машинанинг айрим деталлари ва узеллари ўзгартирилди. Экскаваторнинг моторесурси 15 процент кўпайтирилди. Бу машина ҳеч қандай капитал ремонтсиз 7 минг соатгача ишлай олади.

Экскаваторчилар ўтган саккиз ой мобайнида Белоруссия, Болтиқ бўйи республикалари ва жаҳоннинг 17 мамлакатига бундай машиналардан кўплаб жўнатдилар. Бу йил машинасозлар 1500 та машина ишлаб чиқаришга бел боғлашган. Яқинда коллектив КПСС XXVI съезди шарафига ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, йиллик планга қўшимча 10 та машина ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бу уларнинг коммунистлар анжуманига совғаси бўлади.

ШАҲАРЛАР НУРАФШОН БЎЛСИН ДЕБ...

Тунги Тошкент ниҳоятда фусункор. Бинолар пештоқида камалак рангида товланиб порлайдиган турли-туман неон ёзувлар кишининг баҳри-дилини очиб юборади.

«Электросветомонтаж» бошқармасининг ремонт-қурилиш участкасига қарашли В. Арбузников ҳамда В. Ким бошлиқ бригадалари ана шундай ёғду сочувчи «газета»ларнинг яратувчиларидир. Пойтахтимиздаги кўпгина реклама қурилмалари уларнинг қўли остидан чиққан. Улар фақат шаҳримизгагина эмас, балки республикамизнинг қатор шаҳарлари учун ҳам ана шундай қурилмалар тайёрлаб беришмоқда. Андижон шаҳри темир йўл вокзали, Қўқон аэропорти, Жиззах трикотаж фабрикаси, Тўрткўл ва Нукус шаҳарлари учун тайёрланган қурилмалар шулар жумласидандир.

БУГУН

мазкур бригадалар Самарқанд ҳамда Термиз шаҳарларининг буюртмаларини бажаришга киришдилар.

ҚАРДОШЛИК ВА ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ

СССР Композиторлар союзи правлениесининг пленуми

Кўп миллатли совет санъатининг усталари КПССнинг бўлажак XXVI съездини янгидан-янги ижодий ютуқлар билан нишонлашга интилмоқдалар. Ўтган беш йил мобайнида барча жанрдаги бир қанча муҳим асарлар яратилди. Бу асарлар «Ленин партиясига шон-шарафлар» шиори остида ҳозир Ўзбекистонда ўтаётган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивали программасини безаб турибди. Қардошлик ва дўстликнинг ана шу байрами доирасида 30 октябрь куни Тошкентда СССР Композиторлар союзи правлениесининг пленуми бўлди.

Пленум қатнашчилари — Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикалардан келган таниқли композиторлар, музикашунослар ва ижрочилар «Кўп миллатли совет музикасининг интернационал бирлиги» масаласини зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Пленум ишида республика пойтахтидаги партия, совет, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг вакиллари иштирок этдилар.

Пленумда СССР Композиторлар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти, Ленин мукофоти ва СССР ҳамда РСФСР Давлат мукофотларининг лауреати Т. Н. Хренников доклад қилди.

Ўз миллий анъаналаримиз сингари, шунингдек бутун совет инсонпарварлик маданиятини, бутун жаҳон инсонпарварлик маданиятини ҳам билиш ва севиш — интернационал тарбиянинг муҳим шартидир. Музика санъати воситалари билан тарбиялаш интернационал тарбиянинг таркибий қисмидир.

В. И. Казенин (РСФСР), Е. Ф. Станкович (Украина), Г. А. Жубанова (Қозоғистон), А. П. Петров (Ленинград), Р. С. Гажиев (Озарбайжон), Н. Г. Шахназарова (Москва), Ю. В. Семеняко (Белоруссия), Ш. С. Сайфиддинов (Тожикистон), Г. Г. Раман (Латвия), Ч. Нуримов (Туркманистон), Э. М. Мирзоян (Арманистон), Я. П. Ряэтс (Эстония), К. Молдобасанов (Қирғизистон), Е. Д. Догг (Молдавия), Э. Ш. Солихов (Ўзбекистон) қардош совет халқлари маданиятларининг бир-бирига яқинлашуви ва бир-бирларини бойитишдан иборат буюк жараённинг муҳимлиги, партия XXVI съездига тайёргарлик муносабати билан композиторларнинг вазифалари тўғрисида гапирдилар. Улар музика санъатининг усталари, ижодкор ёшлар ўзларининг бутун истеъдодини, куч-ғайратини коммунизм идеалларига хизмат қилишга, совет кишиларини Ватанга муҳаббат, партия ва халқ ишига садоқат руҳида тарбиялашга бағишлаётганликларини таъкидладилар. Асарларнинг музика тилини янада такомиллаштириш, рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини чуқурроқ ёритиш, бадиий ижодиётнинг барча жанрлари ва турларини ривожлантириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Пленум барча совет композиторларини қаҳрамонона замонамизни, мамлакат коммунистларининг бўлажак анжуманини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати вужудга келтирган меҳнат ғайратини акс эттирувчи асарлар яратиш соҳасидаги ишларни ҳар томонлама кучайтиришга даъват этди.

Пленум Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мамлакатимиз халқлари интернационализми ва қардошларча дўстлиги мавзуларига бағишланган энг яхши асарлар конкурсини ўтказишга, барча иттифоқдош республикалар композиторларининг ижодини пропаганда этиш ишини кучайтиришга қарор қилди.

Пленум қабул қилган резолюцияда композиторлар ва музикашунослар меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг маънавий маданиятини янада юксалтириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч изҳор этилади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Ю. Ф. Уткин иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ВАГОНЛАР БИР МИНУТ ҲАМ БЕКОР ТУРМАСИН

КАРТОШКА ТУШИРИБ ОЛИНМАЯПТИ

Ҳар йили кузда бошқа республикалардан Тошкентга кўп миқдорда картошка келтирилади. Ҳозир ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрлаш бошланди. Куни кеча Ғарбий Сибирдан картошка ортган дастлабки составлар келди.

Лекин афсуски, илгариги йиллардаги аҳвол такрорланяпти. Картошка ортилган вагонларни бўшатиш жуда уюшқоқсизлик билан, норматив муддатларга риоя қилмасдан амалга оширилаяпти. Жумладан, 28 сентябрда темир йўлда картошка ортилган 75 вагон туриб қолди.

Ленин районидаги улгуржи-чакана савдо идораси айби билан Қизил Тўқимачи станциясида 9 вагон, Собир Раҳимов ва Октябрь районлари улгуржи-чакана савдо идоралари айби билан Келес станциясида 6 вагон нормадан ортиқ туриб қолди. Айниқса, Чилонзор улгуржи-чакана савдо идораси (директори М. Морозова) бу борада «рекорд» қўйяпти. Бу идоранинг айби билан 52 вагон ўз вақтида бўшатилмади. Шуни унутмаслик керакки, картошка тез айнийди, таъмини йўқотади, бундан ташқари бўшаган вагонлар бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ортиб жўнатиш учун ғоят зарур.

Сўнгги пайтда корхона ва ташкилотлар томонидан транспорт интизомини бузиш ҳоллари яна кўпайди. Масалан, 2-нон маҳсулотлари комбинати айби билан 27 сентябрдан бери Тошкент юк-товар станциясида 18 та ғалла ортган вагон бўшатилмай ётибди. Шу кундан бери Қизил Тўқимачи станциясида абразив комбинатига аталган ғишт ортилган вагон, Сергели-2 станциясида химбазага аталган юклар ортилган ва 7-кўприк қурилиши отрядига аталган ускуналар ортилган икки вагон бўшатилмай ётибди. 28 сентябрдан бери Қодирия станциясида «Ўртоқ» кондитер фабрикаси учун аталган қуруқ сут ортган вагон тўхтаб турибди.

Сергели станциясида 23 сентябрдан бери ғузапоядан прессланган плиталар ишлаб чиқарувчи завод учун юк келтирган икки вагон бўшатилмай ётибди.

Шуни эслатиш жоизки, темир йўл транспорти юк эгалари вагонларни бўшатишга масъулият билан қарагандагина бир маромда ишлаши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиёти ютуқларини пропаганда қилиш соҳасидаги хизматлари учун шоир ўртоқ Лев Иванович **Ошанинга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвони берди.

Гидрометеорология маркази хабар қилади

ОКТЯБРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Шимолий кенгликларда пайдо бўлган ҳаво оқимлари октябрь ойида тез-тез Ўрта Осиё районларига етиб келади. Шу боисдан ҳам ҳаво ҳарорати бу ойда сентябрдагига нисбатан 6—8 даража паст бўлади. Ҳозир булутли кунлар кўпайди, лекин ҳаво очиқ кунлар 50 процент ва ундан кўпроқ қайтаrланиб турибди.

Об-ҳаво ойнинг биринчи ярмида сентябрдагига анча ўхшайди. Бу даврда қуруқ ҳавонинг кўпроқ бўлиши кутилади. Ҳарорат кечаси 4—9 дан 10—15, кундузи 18—23 дан 24—29 даражагача атрофида бўлади. Айрим кунлари кундузи 30—32 даражагача кўтарилиши мумкин. Октябрнинг иккинчи ярмида ҳаво ҳарорати пасайиб, ёғин-сочинли кунлар кўпроқ бўлади. Синоптиклар учинчи ўн кунликда ҳароратнинг кескин пасайиб, кечаси 3 даража совуқдан 2 даража иссиқкача, кундузи 5—10 даражагача иссиқ бўлишини кутишяпти. Айрим жойларда ёмғир қорга айланиши мумкин. Учинчи ўн кунликнинг айрим кунлари жойларда туман бўлиши кутилади, ой давомида майин шамол эсади.

ФЕСТИВАЛНИНГ МУЗИКА ТУҲФАЛАРИ

«Ленин партиясига шон-шарафлар» шиори Ўзбекистонда ўтаётган совет музикаси Бутуниттифоқ фестивалининг тематик йўналишини белгилайди.

Тошкентда биринчи марта ижро этилган Ч. Нуримовнинг (Туркманистон) «Октябрь алангаси» ва М. Кажлаевнинг (Доғистон) «Ватан тонги» симфоник поэмалари, А. Петровнинг (Ленинград) «Революцияни шарафлайман» ва Б. Рахмадиевнинг (Қозоғистон) «Конституция ҳақида поэма» кантаталари Советлар мамлакатининг қаҳрамонона тарихига ва ҳозирги даврга бағишланган. Шу нарса рамзийдирки, янги асарларни биринчи бўлиб меҳнат аҳли тинглади. Эстония ССР давлат академик эркаклар хори пойтахт тўқимачилари ҳузурида бўлди, Ленинград хор капелласи коллективи «Ташкенткабель» заводининг ишчилари ва инженерлари билан учрашди. СССР Композиторлар союзи квартети А. Беруний номли Тошкент политехника институтининг студентлари ва ўқитувчилари учун концерт берди.

Мамлакат етакчи музика коллективларининг республика областлари бўйлаб гастроль сафарлари ниҳоясига етай деб қолди. Давлат академик Шимол рус халқ хори Жиззах дашти чўлқуварлари учун совет композиторларининг янги қўшиқларини ижро этди. С. С. Прокофьев номли давлат квартетининг концертини андижонликлар самимий кутиб олдилар. Шаҳрисабз шаҳрида Ленинград қадимий ва замонавий музика камер оркестрининг концертлари бўлди. Тожикистоннинг давлат рубобчи қизлар ансамблининг созандалари Гагарин шаҳри меҳнаткашларининг меҳмони бўлишди. Қ. Урозов номли давлат қирғиз халқ чолғу асбоблари оркестри ўз концерти билан Наманган пахтакорларини хушнуд этди. Олмалиқда Москва камер хори ўз маҳоратини намойиш қилди. Бутуниттифоқ ва Бутунроссия конкурсларининг лауреати, композитор Владислав Агафонников «Бу — биздар!» деган ўз қўшиғини пахтакорлар сулоласи — Гулистон районидаги «Октябрь» колхозидан ака-ука Оғалиевларга бағишлади.

Музика байрами ниҳоясига етмоқда. Лекин унинг оҳанглари жаранглаб турибди. Қардош республикалар музика маданиятининг арбоблари тингловчиларни улуғ Ленин партиясига, халқлар дўстлигига, беш йиллик қаҳрамонларига бағишланган янги асарлари билан таништирмоқдалар.

(ЎзТАГ).

• Шарҳчи сатрлари

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРГА ХИЛОФ РАВИШДА

Эрон билан Ироқ ўртасида қуролли можаро келиб чиқди. Эрон-Ироқ чегарасининг қарийб 600 километрли участкасида танклар, артиллерия, авиация ва ҳарбий кемалардан фойдаланилган ҳолда жанглар бўлмоқда. Иккала томоннинг авиацияси ҳарбий ва саноат объектларига ҳужум қилмоқда. Ироқнинг Эрон 1975 йилда тузилган Эрон-Ироқ шартномасини бажармаганлиги тўғрисидаги Баёноти можаро бошланиши учун расмий баҳона бўлди. Бу шартномада, жумладан, иккала мамлакат ўртасидаги территориал проблемаларни йўлга қўйиш кўзда тутилган эди. Шу тариқа Ироқ мазкур шартномани бекор қилди.

Ўтмиш қолдиқлари келтириб чиқарган бу можарони ҳал этиш иккала мамлакатнинг иши эканлиги мутлақо равшан албатта. Бироқ ғарб пропагандаси бу можарони авж олдиришга уриниб, уни гўё нефтга бой районлар учун кураш натижаси қилиб кўрсатишга интилмоқда. Шу нарса яхши маълумки, Эрон ҳам, Ироқ ҳам каттагина нефть запасларига эга бўлиб, энергоресурслар билан тўла таъминланган.

Аслида эса гап бошқа ёқда. Можаролашаётган томонлар бир-бирларининг нефть районларини босиб олишга интилаётгани йўқ. Ўзгаларнинг нефть манбаларини империализм, аввало, АҚШ империализми босиб олишга интилмоқда. Эрон парламентининг раиси Ҳошимий Рафсанжони ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиб кетганлиги «Қўшма Штатлар тайёрлаган катта фитнанинг бир қисмидир» деб таъкидлади. Эрон-Ироқ можаросини авж олдиришга интилаётган Вашингтон араблар бирлигини парчалаб ташлаш, миллий-озодлик кучлари позицияларини бўшаштириш ва нефть қазиб чиқарадиган мамлакатларнинг ички ишларига бевосита қуролли аралашувни амалга ошириш учун шарт-шароитлар вужудга келтиришни, бу мамлакатлар устидан ҳарбий назорат ўрнатишни мақсад қилиб қўймоқда. Шундай қилиб Эрон билан Ироқ ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви империализмгагина қўл келмоқда.

Эрон билан Ироқ ўртасидаги можаро жаҳон жамоатчилигида ташвиш туғдирмоқда. Жаҳон жамоатчилиги иккала томон ўзаро келишмовчиликларни ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувисиз тинч йўл билан ҳал этади, деб умид қилмоқда. Мавжуд келишмовчиликлар тинч воситалар, музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал этилиши мумкин ва лозим. Эрон билан Ироқ ўртасидаги кескинликни тугатиш иккала мамлакат олиб бораётган антиимпериалистик кураш билан боғлиқ бўлган энг муҳим муштарак вазифаларни ҳал этишга кўпроқ эътиборни жалб қилиш имконини берган бўлур эди. Бу нарса шунинг учун ҳам зарурки, Эрон олдида ҳам, Ироқ олдида ҳам иқтисодий ривожланиш, социал тикланиш, ўтмиш меросига барҳам бериш, кенг меҳнаткашлар оммаси моддий ва маънавий турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ жуда кўп умумий проблемалар турибди. Бу мамлакатларнинг дўстлари иккала томон ақлидрок, яхши ният билан иш кўради, деб умид қилмоқдалар.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС шарҳловчиси.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

Ҳамза ва Куйбишев районлари мусобақаси

КОРХОНАЛАР ИШИГА—АНИҚ МАРОМ

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда, Ҳамза райони саноат корхоналари коллективлари маҳсулот реализация қилиш бўйича саккиз ойлик планни 102,1 процент, Куйбишев райони эса 101,4 процент адо этдилар. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 101,5 ва 101,5 процентларни; умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати эса 109,7 ва 103,1 процентларни ташкил этди. Ҳамза райони меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101,4 процент, Куйбишев райони эса 101,5 процент бажарди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107,6 ва 101,8 процентларни ташкил этди. Шу билан бирга Ҳамза районида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 82,5 процент ўсишига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди. Куйбишев районида бу кўрсаткич 58 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бири бўлган маҳсулот реализация қилиш топшириқларини бажардилар. Бироқ Ҳамза районидаги бешта корхона, Куйбишев районидаги учта корхона маҳсулот ишлаб чиқариш планини уддалолмади. Ҳамза районида эса олти корхона, Куйбишев районида икки корхона меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғини бажаролмади.

Ҳамза районида саноат корхоналари январь—август ойларида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш планини 5,9 процент, Куйбишев райони 1,8 процент ошириб адо этди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 ва 2,3 процент юксалди.

Ҳамза райони саноат корхоналари январ — гада (339 ишчи); Куйбишев районида 5 цех, 12 участка ва бригада, (651 ишчи) ўтган ой планини уддалолмади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани (марказлашган молиявий манбалар)ни Ҳамза райони 89 процент, Куйбишев райони эса 89 процент адо этди. Районларнинг қурувчилари турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича январь—июль ойлари топшириқларини 60 процент ва 87 процент бажардилар.

Ҳамза райони — пойтахтнинг энг йирик индустриал районидир. Масалан, район ўтган саккиз ой мобайнида 600 миллион сўмлик, шу жумладан пландан ташқари 12,3 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилди. У халқ хўжалигига самолётлар, пахта териш комбайнлари, пайвандлаш трансформаторлари, кўтарма кранлар, саноат биноларининг енгил металл конструкциялари, кўприк темир-бетон конструкциялари, турли хил кенг истеъмол буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Куйбишев райони январь—август ойларида 350 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилди. Бу ерда тракторлар, музхоналар, экскаваторлар, пахта тозалаш мосламалари, газ аппаратлари, аниқлик ўлчовлари... тайёрланади. Куйбишевликлар саккиз ой мобайнида пландан ташқари 4,7 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилдилар. Шундан 746 минг сўмлиги социалистик мажбуриятга қўшимча ишлаб чиқарилди.

Мусобақадош районлардаги барча корхоналар маҳсулот реализация қилиш планларини муваффақиятли бажардилар. Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги ва КПСС XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялари, тажриба-механика, синтетик ювиш воситалари заводлари, 2 ва 4-дон маҳсулотлари комбинатлари, упа-элик фабрикаси (Ҳамза райони), «Узбекхлопкомаш»нинг машинасозлик, «Эталон», «Ташавтоматика» заводлари, «Средазкабель» бирлашмаси, мебель ойналари фабрикаси, «Средазкварцсамоцвет» экспедицияси (Куйбишев райони) коллективлари пешқадамлик қилишмоқда. Мазкур корхоналарда меҳнат унумдорлигини ўстириш учун барча янги резервлар қидириб топилмоқда, «1980 йил плани —7 ноябргача» шиори остидаги ҳаракат кенгайяпти.

Айниқса, меҳнатда «зангори кема»чилар юксак ташкилотчиликни кўрсатмоқдалар. Бу ерда ҳар бир киши пахта ҳосилининг тақдири учун бўлган масъулиятни юракдан ҳис қилмоқда ва колхоз-совхозларнинг машиналар паркини тўлдириш учун қўлидан нимаики келса, шу ишни бажармоқда, иложи борича пахта йиғим-теримида кўпроқ машиналар иштирок этиши учун жон куйдирмоқда. Ўтган саккиз ой мобайнида машинасозлар қишлоққа 6174 та пахта териш комбайни жўнатдилар, шундан 44 таси планга қўшимча ишлаб чиқарилди. Биргина сентябрь ойида ХНП-1,8 маркали янги машинадан 260 тадан ортиғи тайёрлаб берилди.

Мусобақадош районлар ишлаб чиқариш ҳажмининг бирмунча — Ҳамза райони 9,7 процент, Куйбишев райони 2,1 процент ўсишини таъминладилар. Бунга техника ютуқларининг кенг жорий этиш, социалистик мусобақани яхши ташкил этиш эвазига эришилди. Бу борада «Эталон» заводи (ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 15,9 процент), «Средазкварцсамоцвет» экспедицияси (11,6 процент), бирлашган қозонхоналар корхонаси (14,9 процент), синтетик ювиш воситалари заводи (15,5 процент), тажриба-вентиляция буюмлари заводи (80 процент), экспериментал-енгил металл конструкциялари заводи (39,2 процент) ва бошқа корхоналар талайгина ишларни амалга оширдилар.

Бироқ, барча меҳнат коллективлари ўзларининг куч ва имкониятлари даражасида ишлаганларида районларнинг хўжалик фаолиятларида эришган натижалари бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Масалан, Ҳамза районида бешта корхона, шу жумладан уйсозлик комбинатлари, 6-темир-бетон буюмлари, металл фурнитуралари заводлари ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини ўлда-жўлда қолдирдилар. Фақат ўтган саккиз ой мобайнида 1-уйсозлик комбинати ўз планига кўра 930 минг сўмликдан зиёд маҳсулот беролмади. Бу қолоқликнинг туб сабаби шундаки, мана корхона доимий равишда моддий-техника таъминоти жиҳатидан қийналмоқда. Бунинг устига устак, бу ерда ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш кўнгилдагидек эмас, янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуси асосида социалистик мусобақа шунчаки йўлига қўйилган, холос.

Куйбишев районида эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш саккиз ойлик планларини экскаватор, 2-ёғочни қайта ишлаш заводлари областлараро «Вторчермет» бошқармаси бажаролмади. Масалан, экскаватор заводининг қуюв цехида оғир аҳвол ҳукм суряпти. Бугунги кунда цех қуювчилик касбидаги малакали ишчилар билан таъминланмаган. Цех бутун ишлаб чиқаришни оқсашига йўл қўйяпти.

Областлараро «Вторчермет» бошқармаси ҳам март ойидан бошлаб ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планнинг бажарилишини таъминлолмай келяпти. Бу ерда ишлаб чиқариш паст даражада. Асбоб-ускуналар эски, темир йўлдан вагон ва контейнерларни олишда ҳам қийинчиликлар туғиляпти. Яқинда корхона раҳбарлари алмашди ва ана шу аҳволни яхшилаш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Трактор заводида 3 цех ва 8 участка ишлаб чиқариш программасини бажаролмади. Чунки, турдош цехлар деталларни бир маромда етказиб бермаяптилар, моддий-техника хизмати ҳам аниқ ишламаяпти. Трактор заводида ёз мавсумида кўплаб вақтинчалик ишчилар-студентлар, мутахассислик бўйича тайёргарликдан ўтмаган ўқувчилар ишладилар. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш нормасини бажаролмадилар.

Лак-бўёқ заводида ҳам ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини битта цех, «Узбекхлопкомаш»нинг машинасозлик заводида учта участка бажаролмади. Албатта бу меҳнат коллективларининг умумий натижаларида «акс» этаяпти. Масалан, лак-бўёқ заводи январь—июль ойларида планга биноан 264 минг сўмлик маҳсулот етказиб беролмади.

Мусобақадош районлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбордилар. Трактор заводи, 8-трест, упа-элик фабрикаси, ёғ-мой комбинати бу борада жуда кам маҳсулот етказиб беряпти.

Районларда ишчи вақтини йўқотиш жуда юқори. Масалан, ўтган ярим йилликда Ҳамза районида бу 65,5 минг киши-кунини, Куйбишев районида эса 22,7 минг киши-кунини ташкил этди. Бунинг натижасида бир қатор шошилинч ишларни бажаришга тўғри келди. Буни оқилона иш тутиш деб бўладими?

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, грампластинкалар заводининг слесари Муҳаббат Азимова, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Юрий Сиваченко, «Тракторострой»нинг комплектловчиси Пётр Котов ва минглаб ишлаб чиқариш илғорлари москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, 7 ноябрга қадар йиллик планни бажарадилар. Бу кишилар юксак маҳоратга эгадир. Улар ишчи минутининг қадрига етишади. Меҳнат коллективлари улардан ўрнак олсалар арзийди.

Тошкентдаги шина ремонти заводи коллективи ўз зиммасига олган йиллик план-топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз шу кеча-кундузда корхонада бўлсангиз, бу ерда жуда кўплаб меҳнат илғорларини учратасиз. Улар орасида йиллик шахсий топшириқларини бажариб, келгуси йил ҳисобига ишлаётганлар кўплаб топилади. Шулардан бири сиз юқоридаги суратда кўриб турган Коммунистик меҳнат зарбдори Рўзи Содиқовдир. У ўн беш йилдан бери шу корхонада ишлаб келади. Бу пешқадам ишчи мунтазам равишда смена-ойлик топшириқларини 130—150 процентга етказиб адо этиб ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

* * *

Пастдаги суратда эса йил сайин обод ва кўкаламзор бўлиб бораётган шаҳримизнинг Чилонзор районидаги Халқлар дўстлиги проспектида қад кўтарган замонавий турар жой биноси манзараси акс эттирилган.

М. Нуриддинов фотолари.

• Касаба союзлари ва мусобақа

СЪЕЗДОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Партия Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори фабрика партия ташкилоти, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг иш программаси бўлиб қолди.

Ана шу қарорга бағишланган йиғилишларда сўзга чиққан пойафзалчилардан Валентина Пенькова, София Панина, Светлана Армянинова икки беш йиллик шахсий планларини бажариб, 1980 йил июлидан бошлаб 12-беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширяптилар. Улар йиғилишда ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришяпти. Шу йил 1 сентябргача 10 ишчи 9 йиллик, 9 ишчи 8 йиллик, 39 ишчи 7 йиллик, 84 ишчи 6 йиллик, 312 ишчи эса 5 йиллик планларини уддалаганликлари ҳақида ғалаба рапортларига имзо чекишди!

Ишни ўзаро мусобақа асосида ташкил этган пойафзалчилар 1980 йилнинг ўтган 8 ойида 12 миллион 440 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиб, топшириқни 101,3 процент адо этдилар. Планда кўзда тутилган 419 минг ўрнига 544 минг жуфт пойафзални давлат Сифат белгиси билан савдога чиқариб, бу муҳим топшириқни ҳам ошириб адо этишган, меҳнат унумдорлиги эса муттасил ошяпти.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми қарорлари асосида эса фабрика коллективи янги, улкан режаларни белгилаб олган эди. Мамлакат ва республика коммунистлари анжуманларини муносиб меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олишга интилиб, барча цех коллективлари съезд олди меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

Улар 1980 йил маҳсулот ишлаб чиқариш планини Улуғ Октябрь революциясининг 63 йиллигигача бажариш, мавжуд техника ва технологиядан омилкорлик билан фойдаланиб, маҳсулот сифатини яхшилашга ва маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 26 декабргача адо этишга қарор беришди.

Бу ерда иқтисод ва тежамкорликка ҳам эътибор катта.

Энг қимматли хром—тери материалларидан 1,4 миллион дециметр, қаттиқ таг чармдан 0,2 миллион дециметр тежаб қолиш, бу тежалган хом ашё ҳисобига бир кун ишлаб бериш мўлжалланяпти, иш унуми ва сифатини тобора ошириб бориш юзасидан эса ҳар бир цех, бригада, смена коллективи конкрет мажбуриятлар олган. Шу кунларда иш ана шу юксак мажбурият асосида олиб борилляпти.

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида бўлганимизда фабрика касаба союзи комитетининг раиси Толиб Жўраев ана шу режаларни амалга ошириш юзасидан мусобақанинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш тадбирлари, илғорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кўрилаётганини айтди. Бутун эътибор беш йилликни муваффақиятли якунлашга, ютуқларни мустаҳкамлашга қаратиляпти.

Т. НАЖМИЙ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Бразь шаҳрида ишга туширилган нефть химияси комбинатида ўрнатилган замонавий қурилмада изопентаннинг дастлабки тонналари ишлаб чиқарилди. Қурилма бир йилда 200 минг тонна ана шу қимматли химиявий модда ишлаб чиқариш учун мўлжалланган. Қурилманинг лойиҳасини Москвадаги гипрокаучук институтининг мутахассислари ишлаб чиққан. Технология машина-ускуналари етказиб беришда эса Суми, Рузаевка заводларининг ва СССР химия машинасозлигининг бир қанча бошқа заводлари коллективлари иштирок этдилар. Нижникамский нефть химияси комбинатидан инженер В. Э. Кудашов бошчилигидаги совет мутахассислари бригадаси Бразь шаҳрига юборилган эди. Бу бригада румин ўртоқлар билан биргаликда қурилмани монтаж қилиш, гарантияланган равишда синаб кўриш ва ишга туширишни таъминлади.

Нормал пентанни изопентанга айлантирадиган қурилманинг ишга туширилиши изопрен каучугини ҳосил қилиш фойдаланадиган хом ашёни чет мамлакатлардан ташиб келтиришдан амалда батамом воз кечиш имконини беради. Республикада изопрен каучугини ишлаб чиқариш Совет Иттифоқининг ёрдами билан бир неча йил муқаддам ўзлаштирилган эди.

ШОНЛИ САНА

ГАВАНА. Революцияни ҳимоя қилиш комитетларига асос солинган куннинг 20 йиллигига бағишланиб революция майдони ўтказилган митинг Куба халқининг коммунистик партия ишига, революция ва социализм идеалларига садоқатини кўрсатувчи яққол намойиш бўлди.

Шу куни пойтахтнинг бош майдони ва унинг атрофидаги кўчалар одамлар билан лиқ тўлди. Гавана шаҳри ва вилоятининг бир миллиондан ортиқ аҳолиси 28 сентябрь куни мамлакатнинг 5 миллиондан ортиқ кишини бирлаштирувчи энг оммавий жамоат ташкилоти шонли юбилейини нишонлаш учун шу ерга тўпланди. Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Революцияни ҳимоя қилиш комитетларининг миллий координатори Армандо Акоста митинг қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқиб бутун кўп миллионли ташкилот революция, коммунистик партия ва социализм ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга азму қарор берганини айтди. Шунингдек у келгуси йилнинг сентябрида революцияни ҳимоя қилиш комитетларининг II съездини чақиришни эълон қилди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ГАВАНА. Кубанинг Ольгин шаҳридаги шакарқамиш ўриш комбайнлари ишлаб чиқарадиган «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги» комбинати коллективи йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Бу комбинат Совет Иттифоқининг кўмаги билан қурилган эди. Корхона конвейерларидан йил бошидан буён «КТП—1» маркали 335-комбайн тушди. Кубалик техниклар ва улар билан бирга ишлаётган совет мутахассислари меҳнатда эришган катта муваффақиятини Куба Компартиясининг II-съездига ва КПССнинг XXVI съездига бағишламоқдалар.

Ольгин шаҳрида ана шу комбинат ишга туширилган 1977 йилдан бошлаб то ҳозирги вақтгача «КТП—1» типидаги 855 та комбайн ишлаб чиқарилди. Шакарқамиш ўрадиган бир неча ўнлаб кишининг оғир қўл меҳнатини енгиллаштирувчи бу машиналар ажойиб машина эканлигини мамлакат экинзорларида кўрсатди. Бугунги кунда Кубада бутун шакарқамиш ҳосилининг ярми комбайнлар билан йиғиштириб олинмоқда.

ВАЛЮТА ТАНГЛИГИ

ЖЕНЕВА. Ғарб мамлакатлари валюталарининг «ўзгариб турувчан қадри» деб аталган ҳолатга асосланган капиталистик дунёнинг ҳозирги валюта — молия системаси халқаро савдо-сотиқни муваффақиятли ривожлантириш шароитларини таъминлай олмайди. Таъриф ва савдо-сотиқ бош битими ташкилотининг маълумотномасида мана шундай хулоса чиқарилган.

Ғарбда барқарор харид қобилиятига эга бўлган бирон бир тайинли валютанинг йўқлиги, дейилади ҳужжатда, халқаро иқтисодий муносабатларни издан чиқарадиган, вақтинча манфаатни кўзлаб иш тутишни кучайтирадиган, бир хил мамлакатларга зарар етказиб, иккинчи хил мамлакатларнинг экспорт соҳасидаги устунлигини таъминлайдиган омилдир.

Маълумотнома авторларининг таъкидлаб ёзишларича, Ғарбнинг асосий валюталари бўлмиш Америка доллари ва Англия фунт стерлингги беқарор аҳволга тушиб қолганлиги учун асосий пул бирлиги ролини ўйнай олмайди.

ГАЗЕТАНИНГ БАЙРАМИ

ЛЮКСЕМБУРГ. Мондерканж шаҳрида Люксембург Коммунистик партиясининг «Цайтунг фум летцебургер фоллек» газетаси байрами бўлиб ўтди. Бу байрамда коммунистлар, бошқа тараққийпарвар ташкилотларнинг, касаба союзларининг вакиллари, ишчилар, ёшлар иштирок этишди.

Байрам давомида партия босма органини тарқатиш кампанияси якунланди. Шу кампания туфайли мамлакатда Люксембург коммунистлари газетасининг ўқувчилари анча кўпайди.

Байрамда Люксембург Компартиясининг раиси Рене Урбани нутқ сўзлади. Ҳозир Люксембург экономикасидаги ўткир танглик сабабли катта қийинчиликларга дуч келди, деб уқтирди у.

Мана шундай шароитда, деб уқтирди Р. Урбани, Люксембург Компартияси газетасининг роли ва аҳамияти ошмоқда.

Люксембург коммунистик матбуоти олдида катта ва муҳим вазифалар турибди, деди Компартия раиси. Бу вазифалар меҳнаткашлар социал ғалабаларини ҳимоя қилиш учун, демократик тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун коммунистлар олиб бораётган курашни кучайтиришга кўмаклашишдан иборат.

ҚОНЛИ ИЗЛАР

ПНОМПЕНЬ. Кампучиянинг Кампонгтям вилоятида полпотчилар қилган ваҳшиёна жиноятларнинг янги далиллари топилди. Бу ерда, Теунг прей уездидаги Дескун қишлоғида маҳаллий аҳоли пекинпараст тўданинг камида 8 минг қурбони кўмилган чуқур ўраларни топди.

Хул Йоан исмли деҳқоннинг гувоҳлик беришича, полпотчилар 1977 йилнинг охири—1978 йилнинг бошларида пномпенлик қарийб ўн минг кишини шу районга ҳайдаб келдилар. Улар бу кишиларни Кампучия пойтахтидан зўрлик билан олиб келишган эди. Жаллодлар Дескун қишлоғи атрофида «меҳнат коммуналари»ни амалда эса қамоқ лагерларини ташкил этиб, унда ҳар куни юзлаб кишиларни ўлдиришар эди.

Бечора кишиларни отишар, таёқ ёки мотига билан то ўлгунча калтаклашарди, деди Хул Йоан.

Халқ революцион маъмурлар полпотчи жаллодлар қилган жиноятларни тафтиш этишни давом эттирмоқдалар. Мавжуд маълумотларга кўра Кампучиянинг турли вилоятларида пекинпараст қўғирчоқ режими қурбонлари кўплаб дафн этилган ўнлаб жойлар бор.

НАРХ-НАВО ОШЯПТИ

ПАРИЖ. Францияда нарх-наво ҳамон ўсиб бормоқда. Статистика ва иқтисодий тадқиқотлар миллий институтининг бу ерда эълон қилинган маълумотларига кўра, июль ва август ойларининг ўзидагина нарх-наво ўрта ҳисобда 2,5 процент кўпайган. Кейинги 12 ой ичида мамлакатда нархлар жами 13,6 процент кўтарилган.

КАМАЙИБ БОРМОҚДА

ТОКИО. Япония бош министри концелярияси статистика бюросининг маълумотларига кўра, мамлакатда аҳоли меҳнаткашлар табақасининг реал даромадлари шу йилнинг июнь-июль ойларида 1979 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 процент камайган. Пулнинг қадрсизланиши тўхтовсиз давом этаётганлиги ва монополияларнинг халққа зид сиёсати меҳнаткашларнинг иқтисодий аҳволи мушкуллашаётганлигига асосий сабаб бўлмоқда. Ишчилар иш ҳақи бир даражада сақлангани ҳолда нарх-навонинг ошиб бораётганлиги ва мамлакатдаги ялпи ишсизлик Япония халқи кенг оммаси турмуш даражасининг пасайишига олиб келмоқда.

БРАЗИЛИЯ. Мамлакатнинг йирик шаҳри Рио-де-Жанейродан Терезаполисгача олиб борадиган асфальт йўл участкаси.

ЧТК—ТАСС фотоси.

• Мактуб йўлга чорлади

КИМ АЙБДОР?

«Ўзбекистон» маиший хизмат уйи қошидаги фотостудия эрталабданоқ буюртмачилар билан гавжум бўлади. Мана, бугун ҳам кимдир суратга тушиш истагида бўлса, бошқаси илгари тушган суратини олиш учун келган. Салоннинг шинамлиги, ёруғлиги, юмшоқ ўриндиқлар, телевизор ва бошқа жиҳозлар бу ерда фотостудия ходимлари учун ҳам, буюртмачилар учун ҳам зарур бўлган барча қулайликлар борлигидан дарак беради.

Дарҳақиқат, сиртдан қараган киши ҳамма нарса жойида эканлигига ишонади. Бу ерда ҳамшаҳарларга хизмат кўрсатиш даражаси қандай эканлигини билиш учун эса ярим соат вақтнинг баҳридан ўтиб, буюртмалар қабул қилиб, тайёр суратларни эгасига топшираётган ходимнинг ишини кузатиш кифоя. Биз ҳам ана шу қоидага амал қилиб, 13 сентябрь куни унинг ишини кузатдик.

Биз кўпроқ тайёр суратлар эгасига қандай топширилиши билан қизиқдик. Мана, ходим буюртмачидан квитанцияни олиб, керакли суратни қидириб топди. Уни эгасига узатар экан, сурат солинадиган конверт ва квитанцияни ўз қўлида олиб қолди. Сурат буюртмачига манзур бўлди шекилли, «раҳмат» айтиб, суратни портфелига солди-да, чиқиб кетди. Кейин бошқа буюртмачи билан ҳам шундай аҳвол рўй берди. Лекин у ниманибгина «конвертни бермайсизми?» деб сўради.

— Бизда конверт етишмайди. Ташлаб кета қолинг...— деди ходим ва конвертни столга қўйди.

Буюртмачи ортиқча талаб қилмай чиқиб кетди. Унга яқин кишининг конвертлари шу зайлда олиб қолинди. Биров янги суратини портфелига, бошқаси китоб орасига, учинчи бир киши бир парча газета орасига қўйиб чиқиб кетди. Ҳатто паспорт учун олдирилган суратлар эгасига конвертсиз топширилди. Бундай суратни газетага ўраб олиб чиқиб кетган буюртмачи уйига келиб, газета бўёғи юқиб қолган суратни кўргач, фотостудия ходими шанига нима деркин? Конверт учун ҳақ олинади-ку!

Бир оздан кейин ўша ходимга «Қўйлиқ—4» массивида истиқомат қилувчи Ҳилола Саъдуллаева 282916/3 номерли квитанцияни узатиб, қизининг суратини сўради.

— Сиз март ойида қизингизни суратга туширган экансиз. Бизда тайёр суратлар уч ойдан ортиқ вақт сақланмайди,—деган жавобни эшитди у.

—Мен ўша сиз айтган уч ой ичида беш марта келдим. Кейин сиз берган телефон номерига ҳар ҳафта қўнғироқ қилиб турдим. Ҳар гал: «Қоғоз йўқ, сурат тайёр эмас» деган жавобни эшитдим. Бир қараб кўринг.

Бу гаплардан кейин ходим «бир қараб кўрган эди» сурат топилди. Буюртмачи Ҳ. Саъдуллаева олти ойда тайёр бўлган суратни қувониб қўлига олди. Ҳ. Саъдуллаева квитанциянинг асл нусхасига қараган эди, сурат тайёр бўлган вақт 25 апрель деб кўрсатилибди. Ваҳоланки, Ҳ. Саъдуллаева апрель ойидан кейин ҳам бир неча марта хабар олган экан. Бу ана шу студиядаги тартибсизликни кўрсатади.

Бизнинг студияга келишимиз боиси ҳам буюртмачилардан тушган шикоят туфайли эди. «Биз Тошкент политехникуми трикотаж технологияси бўлимининг 66-группаси 26 студенти шу йилнинг 11 март куни «Ўзбекистон» маиший хизмат уйида жойлашган фотостудияда рангли суратга тушдик. 22 апрель куни тайёр бўлишини билдириб, квитанция ёзиб беришди. 22 апрель куни борган эдик, қоғоз йўқ деб баҳона қилишди. Кейин уч ярим ойгача ҳар ҳафта қатнадик. Ҳар сафар турли баҳоналар билан қайтаришди. Афсуски, август ойида квитанцияни йўқотиб қўйдик. Энди фотостудия ходимлари бизнинг суратни ишлаб беришдан бутунлай бош тортишяпти.

Группа старостаси М. Болтаева».

Биз студентлар билан учрашиб, бошқа маълумотларни ҳам олдик. Фотостудия ҳажми 18x24 миллиметрлик 26 та сурат тайёрлаб бериш учун 58 сўм 60 тийин пул олган. Ёшлар бу пулни студентлик давридан эсдалик сурати қолдириш учун тийинлаб йиғишган. «Энг ачинарлиси шундаки, — дейди студент З. Баҳриддинова,— фотостудиядагилар квитанция йўқолганини билгач, суратлар уч ойдан ортиқ вақт сақланмайди, деб баҳона қилишяпти. Ахир биз ана шу уч ойлик муддатда ҳар ҳафта хабар олиб турдик-ку. Сурат эса тайёр бўлмади. Квитанция эса шундан кейин йўқолди. Бунга ҳам фотостудиядагиларнинг ўзлари айбдорку».

Биз ҳам худди шу гапни фотостудия мудири И. И. Содиқовга айтдик.

—Суратни энди топиб бўлмайди. Бунинг устига квитанция йўқ. Биз айбдор эмасмиз, —жавоб қилди у.

Биз И. И. Содиқовга сурат уч ой ичида тайёр бўлмаганлигини, яна бир бор билдириб, мабодо тайёр бўла туриб, квитанция йўқолган тақдирда ҳам студентлар паспорт кўрсатиб олишга ҳақли эди, дедик.

—Ҳа, қоидани билар экансиз. Лекин менда айб йўқ. Мен ишга келганимга атиги уч ойу ўн кун бўлди, —баҳона қилишга ўтди у.

Демак, И. И. Содиқовнинг ўринсиз баҳоналарни рўкач қилиб, кўрсатишидан фотостудия мудири ўзгарибди-ю, буюртмачиларга хизмат кўрсатишда тартиб ўрнатилмабди, деган хулоса чиқариш мумкин. Акс ҳолда студентларнинг суратларини ўз вақтида тайёрлаб бермаган, кейинчалик эса «квитанция йўқолган бўлса ажаб бўлибди» деб айбни буюртмачининг ўзига қўйиган ҳақиқий айбдорлар ҳалигача топилмасмиди? Буюртмачи Ҳ. Саъдуллаева билан бўлган воқеа-чи? У қизининг суратини олти ойдан кейин олди.

Қизиқ, буларнинг ҳаммасига ким айбдор?.. Буюртмачиларми?.. Ҳар ҳолда бу саволга «Фотореклама» комбинати раҳбарлари тўғри жавоб беришса керак. Студентларнинг 58 сўм 60 тийин тўлаганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг иккинчи нусхаси бирорта жойдан чиқиб қолса ажаб эмас.

М. МУРОДОВ.

ТАРИХДА абадиятга қадам қўйган одамлар бор. Камёб истеъдод ва улар яратган гўзал санъат асарлари бу кишиларни ўлмас инсон даражасига олиб чиққан.

Ҳақиқий санъат абадийдир, санъат вақтни писанд қилмайди, деган қадимий ҳикмат бор. Халқимиз орасидан етишиб чиққан ажойиб санъат усталари ўзлари яратган асарлар билан авлодлар қалбига ҳамиша қувонч бахш этиб келдилар. Уларнинг амалий санъат борасидаги, архитектура соҳасидаги ижоди халқларга

Санъатимиз намояндалари

УЛКАН УСТА

В. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

қувонч ва фахр бағишлаб, асрлар бўйи яшайверади. Ана шундай санъат усталари орасида Уста Ширин Муродовнинг номи ҳам ҳамиша жаранглаб туради.

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди туғилган кунга 100 йил тўлди. Мана, олтмиш йилдан ошдики, унинг яратган асарлари гўзалликни ҳис қила биладиган қалб ва кўзни қувонтириб келмоқда.

Уста Ширин Муродов Бухоро халқ усталари мактабининг энг истеъдодли вакилларидан биридир. Бироқ, унинг асарларида шу қадар теран, шу қадар қудратли куч борки, уларда халқнинг эстетик идеаллари шу қадар ёрқин акс этганки, бу асарлар ўзининг ёрқинлиги билан умум миллий санъат хазинасига қўшилди.

Ҳа, Уста Ширин халқимиз амалий санъати ва архитектураси тараққиётида бутун бир даврни ташкил этади. Унинг кўп асарларида Ўзбекистон меъморчилик санъатининг XIX аср охирларидан XX аср ўрталаригача бўлган тарихи ўз ифодасини топган. Бу — кичкина муддат эмас. Мана неча йилларки, Уста Ширин яратган обидалар ўзининг туганмас таъсир кучи билан кўзларни қувонтириб келмоқда. Бу асарлар бугунги кун учун ҳам, келажак учун ҳам амалий санъат ва архитектуранинг ноёб обидалари бўлиб қолаверади. Негаки, бу чинакам буюк санъатдир!

Уста Ширин улкан миллий санъаткор бўлиб, ўз асарларида халқ санъатининг энг яхши фазилатларини — заковати ва соддалигини ўзида ифодалаган. Санъаткорнинг ўзи ҳам узоқ умри давомида замон руҳини ўзида ифодалагандек туюлади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдинги давр ҳам, буюк инқилобдан кейинги давр ҳам Уста Ширин ҳаёти ва ижодида из қолдирди. Бу излар ҳар бири ўз ҳолича чуқур ва бир-бирига ўхшамайдиган излар эди. Биринчи даврда у қулларча меҳнат қилди. Зиндонларда бўлди. Бу давр ҳам унда ўзининг чандиғини қолдирди.

Баъзи кишилар Уста Ширинни ҳозир яхши эслайдилар. У пастроқ бўйли, ҳамиша букилиб, (ўша зиндон ва калтаклар зарбидан), қўлида ҳар доим ҳасса ушлаб юрадиган одам эди. У деярли ҳамиша оддийгина қора чопон кийиб юрарди. Бироқ, букилиб юрганида ҳам Уста Ширин бошини ҳамиша мағрур тутарди. Унинг ич-ичига ботиб кетган кўзларида ёшликка хос шижоат, диққат ва заковат бор эди. У доим хотиржам муомала қиларди. Бу хотиржамликда кўп нарсани бошидан кечирган ва кўп нарсани ўйлайдиган одамнинг фазилати кўзга ташланар эди.

Ташқи кўринишидан унинг фахрий академик эканини пайқаш қийин эди. Бироқ унинг қиёфасидан улкан одамни, буюк шахсни англаш қийин эмасди.

Уста Ширин Бухорода, бутун авлод-аждоди устачилик билан шуғулланган оилада туғилди. Усталик бу оила учун ота мерос эди. Катталар ўз ҳунари ва тажрибасини кичикларига ўргатишарди.

Ширин ёшлик чоғида отасидан айрилди ва ўспиринлигидаёқ амакиси Уста Ҳаёт қўлида қолди. Уста Ҳаёт Бухородаги таниқли қурувчилардан эди. Ёш йигит амакисининг қўлида қурилиш санъати, ганчкорлик, геометрик орнаментларни чизиш санъатини ўрганди. У роса ўн саккиз йил шогирд бўлди. Кейин эса кичик усталик қилди. Эски қоидага биноан у ўз меҳнатига лойиқ ҳақ олмас эди.

Шундан кейин мустақил ижод палласи етиб келди. У ўзининг малакали устага айланганини исботлади. Энди у турар жой биноларига мустақил нақшлар ишлар эди. Худди шу пайтда уста бадиий тафаккурининг энг характерли жиҳати — нақшларни ягона бир ансамблга бирлаштириш хусусияти кўзга ташланиб қолди. У Бухоро боёнлари учун 20 га яқин катта-катта биноларни ажойиб ганчкорлик безаклари билан нақшлаб берди.

Ёш ва мағрур устанинг шиддати ҳаммага ҳам ёқавермас эди. Шу тариқа уни дахрийликда айблаб, зиндонга тиқдилар. Кейин эса, гўё «гуноҳи»дан ўтган бўлиб, хон аскарлари қаторига тиқиб қўйдилар.

Бухоро амирлиги даврида Уста Ширин қатор боғ саройларини безашда қатнашди. У ғишт-мозаика безакларини санъаткорона ижро этар, ганчдан ажойиб ўймакорлик асарларни яратар эди.

Устанинг революцияга қадар ижодидаги энг ажойиб ижоди Ситораи — Моҳи-хосадаги Оқ тахтхонани безаши бўлди. Кўзгу устига ишланган ганч нақшлар ўзининг нафосати билан кишини лол қолдиради. Бу залдаги деворларга ҳам, бир хонадан иккинчи хонага ўтиладиган гумбазларда ҳам, шифтда ҳам нозик безаклар кўзга ташланади. Бу ерда ёш устанинг Бухоро нақшининг анъанавий услублари билан Европа усулини уйғунлаштиришдаги маҳорати яққол кўринади. Уста ўз асарида ёрқин бўёқлардан фойдаланган. Хона пойига оқ бахмал қопланган, девор тагига қатор оқ курсилар қўйилган, тахмонларда гўзал чинни гулдонлар турар эди. Шундай қилиб, уста турли ранглар гаммасидан фойдаланиб, тахтхонани Бухоро халқ усталари санъатининг чинакам хазинасига айлантирди. Санъаткорнинг бу ижоди рамзий маънога эга дейиш мумкин. Бу — шахсий истеъдоднинг шунчаки муваффақиятли ифодаси эмас. Халқдан чиққан санъаткор халқнинг катта қудратини, бу кучнинг беқиёс эканлигини таъкидламоқчи бўлгандек кўринади. Бундай қудратли кучни ҳар қандай қўпол эксплуатация билан ҳам, диний фанатизм билан ҳам, феодалларнинг санъатга қарши ҳар қанча уринишлари билан ҳам йўқ қилиш мумкин эмас. Санъаткор ўз асарида худди мана шу нарсани таъкидлагандек бўлади.

Бундай гўзал санъат асарлари тарихнинг энг зулматли дамларида ҳам катта санъаткорларни вояга етказадиган халқни оёқ ости қилиб бўлмаслигини исботлагандек бўлади. Бундай халқ эртами, кечми ўзининг қудратли гавдасини кўтаради ва курашда албатта ғалаба қозонади. Халқ Ленин партияси раҳбарлиги остида, энг буюк инсон етакчилигида, меҳнаткаш Россия билан ҳамкорликда зулмат устидан ғалаба қозонди. Шу кундан бошлаб халқдан чиққан истеъдодларнинг тараққиёти учун, гуллаб-яшнаши учун тўла имконият яратилди. Партия санъат байроғини баланд кўтарди, уни меҳнаткашлар оммасини тарбиялашдаги қудратли қуролга айлантирди.

Ҳа, Совет даврида Уста Ширин санъати чинакам юксакликка парвоз этди. Янги даврнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ қадимий обидаларни тиклаш ва янги улкан қурилишлар бунёд этиш бошланди. Уста безаган биринчи бинолар Бухоро педагогика институти ва Бухоро театри бўлди. Булар халқ оммаси учун нур, илм ва маданият бахш этувчи масканлар эди. Ана шунда ҳам улкан устанинг истеъдоди эзгуликка хизмат қилаётганини исботловчи чуқур рамзий маъно бор.

Уста қадимий Бухоро обидаларини реставрация қилишга катта куч ва билимини сарфлади. У Сомонийлар мақбарасини тўла тиклади. Жаҳон архитектурасининг мана шу дурдонаси ўша пайтда деярли харобага айланиб қолган эди. Фақат мана шу ишнинг ўзи учун ҳам Устани улкан чўққига чиқариб қўйиш мумкин. Негаки, бу чинакам жасорат эди. Бу ишни амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилиш, ўз касбининг фидойиси бўлиш, чуқур ва катта билим, жасорат ва энг муҳими ўз халқини, халқнинг номини жаҳонга танитадиган қимматбаҳо ёдгорликларни чин юракдан севиш керак эди. 30-йилларда Уста Шириннинг санъати Ўзбекистондан ташқарида ҳам кенг танилди. Уни Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмаси — ҳозирги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Ютуқлари кўргазмасининг Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари павильонларини безашга таклиф этдилар. Шундан кейин у Тошкентдаги қатор бинолар — область ижроия комитети, Муқимий театри, курант ва бошқа замонавий обидаларни безашда иштирок этди.

Уста Ширин Муродовнинг энг муҳим асарларидан бири Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрининг Бухоро залидир. Санъаткорнинг беқиёс хотираси, катта маҳорати орнамент усулларини бу қадар чуқур билиши театрни бунёд этишда қатнашаётган архитекторларни том маънода ҳайратда қолдирди.

Бу ерда ҳам Уста кўзгу фонида ганч ўймакорлигини ишлади. Бу асарида Уста архитектура — бадиий ижод соҳасида ўзбек халқ миллий санъатининг янги қирраларини ифодалади. Бухоро залида орнамент усуллари, архитектура деталлари ва ганч ўймакорлигининг техникаси анъаналари янада тўлиқроқ ва изчилроқ намоён этилгандир. Уста қўллаган ўймакорлик усуллари санъаткорнинг чексиз-чегарасиз фантазиясидан дарак беради.

Уста Ширин ўз касбини ғоят мукаммал билар, бу соҳада унинг билимлари битмас-туганмас эди. У қурилишнинг турли соҳаларини ҳам аъло даражада биларди. Уста керак бўлса уй, керак бўлса қаср бунёд эта оларди. Конструкция жиҳатидан ниҳоятда мураккаб бўлган орнаментларни ўзи кашф этиб чизар ва амалда ўзи қўллар эди. Ганчга ўйилган бундай асарлар кўрган кўзни ҳайратда қолдирарди.

Уста Шириннинг устозлик фаолияти халқ учун, халқ бахти учун курашаётган ҳар бир касб эгасига мисол бўла олади. Бу фазилатда ижтимоий меҳнатга социалистик муносабатда бўлиш идеаллари кўриниб туради.

Ҳатто ёши қайтиб, кучдан толган пайтда ҳам устоз ҳамиша илҳом билан яшади. У ётиб қолган палласида ҳам қўлидан линейка ва циркулни ташламади. Унинг чинакам мустаҳкам хотирасида қолган усул ва услублар қоғозга тушди. Устоз бисотида нимаики бўлса, ҳаммасини одамларга қолдиришга шошилди. У ҳамиша ўз тажрибасини бошқаларга ўргатар, шу тариқа халқ усталарининг бутун бир авлодини тарбиялаб етиштирарди. Шогирдлари ўз устозининг ишини давом эттирдилар.

Ҳа, у чиндан ҳам гўзаллик ижодкори эди. У юз йиллар мобайнида халқимиз яратган гўзалликни чуқур билар ва севар эди. Мана шу гўзаллик абадий яшаши ва одамларга қувонч бахш этиши учун тинимсиз ҳаракат қилди. У келажакни янада ёрқинроқ, одамларни янада бахтлироқ тасаввур қиларди. Бахт эса гўзалликсиз, санъатсиз бўлиши мумкин эмас.

Уста Ширин ўзига хос ижод мактабини яратди. Мана, устанинг бу борадаги ўз сўзини эшитайлик:

«Ганчкорлик санъати,— дейди Уста Ширин,— янада тезроқ тараққий этсин. Янада яхшилансин, ўз мукаммаллиги билан шу пайтгача эришилган ютуқдан яна ҳам ўссин. Одамларни мамнун этиш учун бу жуда ҳам керак. Ганчкорлик ва ўймакорлик санъати бор хонадонда ҳамиша қувонч ва осойишталик бўлади. Бундай хонадонга ёмонлик ва кўполлик қадам босмайди. Бундай хонадонда яшайдиган одам ўз уйини, ўз халқини ўз Ватанини янада қаттиқроқ севади».

Ҳа, у чинакам халқчил санъаткор эди. Халқ устаси деган унвонга ҳам жуда лойиқ сазовор бўлган эди. У чинакам олим эди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги қилиб сайланганди. У чинакам новатор эди ва шу боисдан Давлат мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди. У ўз социалистик Ватанининг граждани эди. Мана шу Ватаннинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилди. Унинг меҳнатлари юксак мукофотлар — Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланди.

...1957 йил 13 февраль куни газеталар Уста Шириннинг вафоти ҳақида таъзия эълон қилганида ҳамма ерда худди исми каби «Уста» сўзи ҳам катта ҳарф билан ёзилганлиги бежиз эмас, деб ўйлайман. У чинакам катта маънодаги Уста эди.

Ҳа, ажойиб наққош, ажойиб уста санъаткор, архитектура ва қурилишнинг аъло даражадаги билимдони халқ амалий санъатининг давомчиси ва янгилик яратган новатор — бу жиҳатларнинг барчаси бир инсон қиёфасида ўзининг юксак ғоявий-бадиий ифодасини топди. Уста Ширин ана шундай санъаткор!

Миннатдор халқ уни ана шундай инсон ва санъаткор сифатида севади ва қадрлайди.

Инсон саломатлиги учун курашда шифокорлар билан бирга дори-дармон тайёрлайдиган доришунослар ҳам фаол иштирок этишяпти. Шаҳримиздаги 1-дорихонада ана шундай касб эгалари меҳнат қилишади.

СУРАТДА: ишчан провизор-технолог М. Хўжаева (ўнгда) ёрдамчиси В. Юсуфхўжаева билан буюртма дори-дармонларни тайёрламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Газетхон илтимоси

ТЕРИДАГИ ЁЗУВНИ ЙЎҚОТИШ МУМКИНМИ?

Ҳурматли редакция! Мен ёшлигимда қўлимга тушь билан исмимни ёздирган эдим. Энди мен ўша ёзувни йўқотмоқчиман. Уни қандай усул билан йўқотиш мумкин? Шу ҳақда мутахассис маслаҳатини берсангиз.

М. АШУРОВ.

Оқшомхоннинг илтимосига биноан косметолог врач В. АЛЬБОРОВАнинг қуйидаги мақоласини тайёрладик.

Бундан тўрт минг йил илгари ҳам одамлар ўз териларига ювса ҳам кетмайдиган расмлар (татуировка) солишни билар эдилар. Улар танасидаги турли кўринишга эга бўлган тасвирлар шунчаки безак бўлиб қолмасдан, балки турли-туман маъноларни акс эттирар эди: масалан, мажруҳ одамни турли касалликлардан сақлаш, хавф-хатарнинг олдини олиш ҳамда инсон ҳаёт даврида умрбод бахт-саодатни таъминлаш тушунчаларини англатар эди. Бундай фикр тарафдорлари ҳозир ҳам кўплаб топилади. Улар айниқса, Америка ва Ғарбий Европа мамлакатларидадир.

Социолог ва психолог олимлар бундай ҳолатларни капиталистик дунёнинг чуқур инқирозга учраб, омманинг ҳаёти ғоят оғир аҳволга тушиб қолаётганини, натижада минглаб кишилар, айниқса ёшлар бундай ночор аҳволдан қутулишга интилаётганликларига боғламоқдалар. Бу мамлакатлардаги кўпгина ёшлар жамоатчилик ва соғлиқ учун фойдали бўлган ишларда актив иштирок этмасдан, ўзлари учун керак бўлган бахт-саодатни ташқи муҳит инъом этишини хаёл қилмоқдалар. Бу хаёл албатта, лекин ҳақиқат эмас. Масалан, ҳозирги вақтда ҳар ўн америкаликдан бирининг танасида ҳар хил ёзувлар борлиги маълум. Шунингдек, уларда одам баданига ёзувлар ёзадиган турли салонлар очиб қўйилган бўлиб, уларда махсус усталар хизмат кўрсатишади. Ҳатто, бундай расмларнинг кўрик-конкурслари ҳам ўтказиб турилади.

Афсуски, бундай «мода» тарафдорлари бизнинг мамлакатимизда ҳам баъзан, онда-сонда учраб туради. Бу ҳолат биз шифокорларни ташвишга солмасдан иложи йўқ, албатта. Нима сабабдан дейсизми?

Гап шундаки, терига ўйиб ёзиш одам терисига жароҳат етказиб, соғлиққа зарар келтиради. Одатда терида мураккаб тўқималар бўлиб, улар бир неча қатламлардан иборат. Унда қон томирлари ва асаб тугунчалари мавжуд. Терига игна санчилганда эса ёр ва тер безларига ҳам шикаст етади. Унда ишлатиладиган бўёқлар ҳам терига салбий таъсир кўрсатади. Натижада тери организмни турли ташқи таъсиротлардан ва касаллик чақирувчи микроблардан муҳофаза этиш вазифасини ўта олмай қолади.

Татуировканинг зарари фақат шулардан иборат бўлиб қолмасдан, расм чизишда ишлатиладиган тушнинг бир қисми лимфа томирлари орқали лимфа безларига ўтиб, унда яллиғланиш ҳосил қилади. Натижада бириктирувчи тўқималар ўрнида чандиқ ҳосил бўлиши мумкин. Кўриб турибсизки, шифокорларнинг жон куйдириши ўринли бўлиб, ғарб аҳолиси орасида мода бўлган бу ҳол ярашмаган ва соғлиққа зарарли ишдир.

Илмий тадқиқотлар ва косметик шифохоналарда олиб борилган илмий кузатувлар шуни кўрсатдики, бу ҳолга берилиш мойиллиги, яъни танага игна санчиб расм солишга қизиқиш уйғониши ўғил болалар орасида 11—20 ёш ўртасида туғилар экан. Шифокорларнинг: «Сизни бундай расм солишга нима мажбур этди?»— деб берган саволларига, улар: «Ҳавас қилдим» ёки «шунчаки, ёшлик қилибман»,— деб жавоб беришади.

Баъзи бир ёшлар эса, бу расмларни мастлик ҳолатида қилинганини айтишади. Бироқ шуниси аёнки, одам ўз терисига қайси ҳолда расм солиб безаган бўлмасин, унинг хаёлида доимо бир нарса туради, қандай қилиб бўлмасин, эртами-кечми уни албатта йўқотиш бўлади. Чунки энди у кераксиздай ёки нокерак матоҳдек туюлади. Яқин кишилари ва дўстлари олдида гуноҳкордек бош эгиб, қизариб юради. Дўстлари ва яқин одамлари уни маданиятсизликда айблаб уялтирадилар, дашном берадилар. У ҳаммомда ювинишда, сув ҳавзаларида чўмилишда ечинишдан ҳам уялади. Бора-бора бу дашном ва танбеҳлар унинг нафсониятига қаттиқ тегадиган бўлиб қолади. Натижада унда ўз терисидаги безакларни олдириб ташлаш фикри туғилади. Бундайлар сони кўп эмас, албатта. Биргина Ленинграддаги косметик шифохонага ҳар йили 600 га яқин одам мурожаат этади. Мамлакатимизда теридаги ёзув ва расмларни даволаш йўли билан кетказадиган бир неча усуллар ишлаб чиқилган. Теридаги ёзув ва расмларни олиб ташлаш ва даволаш кучли оғриқ беради. Унинг муваффақиятли бўлиши расм ва ёзувнинг ҳажми ҳамда бўёқнинг терига чуқур ёки юзаки сингганига боғлиқ бўлади. Қисқа ёзув ёки оддий расмларни олиб ташлашда хирургия усулидан фойдаланилади.

Агар ёзув ва расмлар терининг катта ҳажмини қоплаган бўлса, унда терини кўчириб ўтказиш усулидан фойдаланилади. Бу усуллар унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қайта қўйилган тери асл теридан ранг жиҳатидан фарқ қилади. Теридаги ёзув ва расмларни йўқотишда баъзан куйдириш усулидан ҳам фойдаланилади. Бироқ, бу усулдан кейин ҳам терида силлиқ ҳолатдаги чандиқ қолиши мумкин. Шунингдек, кучли оғриқ беради, яра битиши узоққа чўзилади. Агар ёзувлар қўл бармоқларида бўлса (кўпинча шундай бўлади), бемор узоқ вақт иш қобилиятини йўқотади. Расм солиш ва ёзишда ишлатилган бўёқлар терининг чуқур қатламига сингиб кетган бўлса, асорат сифатида ўта хунук чандиқ қолиши мумкин.

Биз айтиб ўтган усуллар унчалик қулай эмас экан, хўш, энди нима қилиш керак? Қайси усуллардан фойдаланиш мумкин? Косметолог-хирургларни ана шу савол қизиқтирди ва уларда даволашнинг янги усулларини қўллаш фикри туғилди. Бу вазифани ҳал этишда замонавий техника, яъни лазер ёрдамга келди. Мутахассислар Ленинграддаги косметик шифохонада лазер нуридан фойдаланиб, кўпчиликни даволадилар. Олиб борилган кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатдики, лазердан фойдаланишда айниқса «Пульсар-1000»дан фойдаланиш яхши натижа берар экан. «Пульсар-1000»нинг нафи шундаки, операция деярли оғриқсиз ўтади, яра тез битади ва асорат кам қолади. Териларнинг ўз ҳолига келиши ҳам тезроқ бўлади. Унинг ёрдами билан бир ярим йил ичида 90 нафар одам муваффақиятли даволанди.

Теридаги ёзув ва расмлар қайси усул билан олиб ташланишидан қатъий назар, яхшиси бундай номаъқулчиликни ҳеч қачон қилмаслик керак. Бу борада ота-оналар ва ўқитувчилар, медицина ходимлари унинг ўта зарари ҳақида ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

Ёшлар шуни доимо ёдда тутишлари керакки, терига ёзилган ёзув ва солинган расмларни ҳамма ерда ҳам олиб ташлаб бўлмайди. Уни даволаш фақатгина айрим йирик шаҳарлардагина амалга оширилади. Шундай экан, уларни бу йўлга кирмасликларидан, бундай хомхаёлларга боришларидан сақлашимиз лозим. Бир дақиқагина орзу бўлиб туғилган истак улар қалбини умр бўйи заҳарлаб қўйиши мумкин. Ўзида бундай ёзув ва расм бор ёшлар доимо диққинафас бўлиб юрадилар. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси улар соғлом ҳаёт кечиришларига салбий таъсир кўрсатади.

Одатда медицина муассасаларида бундай ярамас ишлар қилинмайди. Улар баъзи кимсалар томонидан қилинади. Улар медицина қонун-қоидаларидан мутлақо бехабар бўладилар. Натижада ҳарфлар ёзилган ва расм солинган жойнинг терисида кўпинча яра ҳосил бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда тана терисини бундай кўр-кўрона безашга ҳеч қандай сабаб ва асос йўқ. Барча ўз орзу-умидига меҳнат билан эришмоқда. Шундай экан, ақли-ҳуши жойида бўлган ҳар бир одам унинг олдини олиши, айниқса ёшларни эса, бу йўлдан қайтариши керак.

Ю. АҲРОРОВ ва **Т. РАСУЛЕВ** тайёрлаган.

ТО Справкалар бюроси
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. КАРИМОВ: «Средазкабель» бирлашмаси ҳозирги пайтда маҳсулотини жаҳоннинг нечта мамлакатига сотади?

Жавоб: Ҳозирги пайтда «Средазкабель» бирлашмаси маҳсулотини жаҳоннинг 33 та мамлакати олмоқда. Эрондаги Исфахон металлургия комбинати Монголия Халқ Республикасидаги Эрдент кон саралаш комбинати, Венгриянинг Пашш шаҳридаги атом электр станцияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Тошкент кабелини АҚШ, ГФР, Италия, Франция, Жазоир каби мамлакатлар ҳам сотиб олишган. Кабелларнинг кўпгина қисми социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатилмоқда.

⁂

И. ХАСАНОВА, С. КАРИМОВА, М. АЛИМОВА: Ишчиларга разряд беришда нималар ҳисобга олинади?

Жавоб: Ишчиларга разряд беришда унинг касб маҳорати, ушбу касбни қай даражада билиши ҳисобга олинади. Завод ва фабрикаларда ишчиларга разрядни кадрлар тайёрлаш бўлими беради. Бунинг учун ишчининг касб маҳоратини махсус комиссия текшириши керак.

⁂

И. ҚУРБОНОВ: Ҳарбийлар кексалик пенсиясига чиққанида, ҳарбий хизматнинг қайси даври икки баравар ҳажмда ҳисобланади?

Жавоб: Ҳарбийлар кексалик пенсиясига чиққанда, қуйидаги ҳолларда бир ойлик хизмат икки ойга ҳисобланади:

— Ҳарбий реактив ва ҳарбий турбовинтли авиацияда учувчилар экипажи таркибига кирган лавозимларда хизмат қилганда;

— баъзибир айрим жойларда, масалан, Камчатка области ва Курил оролларида (1945 йил 14 сентябрдан кейинги муддатда), Шимолий Муз океанининг Чукотка ярим оролида Канин ярим оролигача бўлган қирғоқларида, Шимолий Қутб доирасининг Жанубий чегарасини ва Магадан областини қўшган (1949 йил 25 июндан кейинги муддатда) ҳолда, хизмат қилганда.

⁂

А. ЮНУСОВ: «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» ташаббусини мамлакатимизда қайси коллектив бошлаган?

Жавоб: «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» КПСС XXV съезди арафасида пайдо бўлган социалистик мусобақа формаларидан бири. Бу ҳаракатни Владимир Ильич Ленин номидаги Москва электромеханика заводи ишчилари бошлаган. Мусобақанинг бу формасининг моҳияти шундаки, бунда ўз иш жойида, бригадада, цехда юксак сифат кўрсаткичларига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан аввал бажариш билан бир қаторда, ўхшаш участкаларда ҳамкасбларнинг сенинг айбинг билан бекор туриб қолишига йўл қўймасликни, бутун ишлаб чиқаришнинг узлуксиз суръатда давом этишини ва сўнгги маҳсулотнинг юқори сифатда бўлишини тақозо этади. «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати» ҳаракати мамлакат корхоналарида тобора оммалашмоқда.

Тошкентдаги «Метропроект» лойиҳалаш институтида метрополитеннинг иккинчи навбати ишчи лойиҳаси яратилмоқда. Метронинг бу иккинчи навбати «Пахтакор» станциясидан бошланиб Самолётсозлар шаҳарчасига боради. У саккиз километрдан зиёд масофани ўз ичига олади ва унда етти станция бўлади. Лойиҳачилар шу кунларда Ойбек номли станциянинг ишчи чизмаларини тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) катта архитекторлардан Яшнар Мансуров, Феруза Музаффарова ва техник Сарвар Козимов лойиҳа устида иш олиб боришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

СИНОВДАН ЎТДИ

Тожикистонда янги моделдаги «ЗИЛ-169» автомобиллари синалиб бўлди. Бу синовларни И. А. Лихачев номли Москва автозаводининг мутахассислари билан республика автотранспортчилари ўтказдилар.

Машиналар Помирнинг баланд тоғлик трассаларида мураккаб иқлимий шароитларда синаб кўрилди ва жиддий имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Келаси беш йиллик бошларида пойтахт корхонасининг коллективи бу юк машиналарини кўплаб ишлаб чиқара бошлайди.

ЗИЛчиларнинг қўш ўқли янги юк машинаси 12 тоннагача юк кўтара олади. Бинобарин автомобилдан контейнерлар ташишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Тожикистон транспортчилари москвалик автомобилсозлар билан қалин дўстдирлар. Республика кўпгина маркалардаги пойтахт автомобиллари синаб кўриладиган полигон бўлиб қолди. Ҳозир мамлакат йўлларида ишлаб турган «ЗИЛ-130В» ва «ЗИЛ-130Г» автомобиллари шу ерда чиниқтирилган.

[ТАСС].

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

ЧИРЧИҚ ҲАҚИДА КИТОБ

Социалистик Чирчиқ ўзининг шонли тарихига эга. Ярим асрлик юбилейини кенг нишонлаш арафасида турган бу йирик саноат маркази ҳамда юксак турмуш маданияти шаҳрида қатор янги анъаналар қарор топди.

Унинг пойдеворига биринчи ғишт қўйилиши муносабати билан бу ерда ўтказилган тантанали митингда республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев нутқ сўзлаган эди. Чирчиқ шаҳри донгдор одамлари ҳақида ўртоқ Л. И. Брежнев ҳам ўзининг «Тикланиш» асарида илиқ гапларни айтган.

Яқинда шаҳарнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида Ўзбекистон нашриёти «Чирчиқ» номли китобни босмадан чиқарди.

А. АЛИЕВ.

КЎҲНА МЕДИЦИНАДА ЯНГИЛИК

Инъекция қилишда ишлатиладиган шприц кўринишининг ўзи беморни лоҳас қилиши кўпдан бери маълум. Ўнлаб металл нинлар санчиладиган нинатерапия сеанслари тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Узоқ Шарқ политехника институтининг олимлари қадимги даволаш санъатини мана шу камчиликдан холи этишга ёрдам бердилар. Улар нина ўрнида электр импульс ишлатдилар. Олимлар ясаган аппарат ҳар томонлама синовлардан ўтди ва мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Электр воситасида укол қилишда биологик актив нуқталарни топиш анча осонлашади. Чунки бундай нуқталарнинг қаршилиги терининг қолган участкаларига нисбатан 3—5 баравар кам бўлади ва сезгир датчик уни дарҳол топади қўяди. Электр импульслар радикулитдаги қаттиқ оғриқни дарров қолдиради, эски яралар тезроқ битишига кўмак беради, нерв касалликларини даволашда ҳам истиқболлидир.

Прибор қайси хил шаклдаги ток қай тахлитда ишлатилишини танлаб олишга, бирон даволаш курсини ўтказиш учун энг мақбул дозаларни белгилашга имкон беради. Аппарат «Спидола» радиоприёмнигидан катта эмас. Бинобарин, у билан уйда ҳам даволаш сеансларини ўтказавериш қулай.

[ТАСС].

ВЕТЕРАНЛАР ЎРНАК БЎЛИШДИ

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «КАРПАТИ» (Львов) — 1:0.

Матч бошланиши олдидан юбиляр-ларни шарафлаш тантанали маросими бўлиб ўтди. Футбол мухлислари-нинг қарсаклари остида олий лигада 300 матч ўтказган «Пахтакор»нинг ўйинчиси Манучар Мачандзега гулдасталар ва эсдалик совғаси топширилди. Ветеран ўзининг 301-учрашувида ҳам ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилди, камолотга етган энг яхши йилларидагидек командадош ўртоқларини ўз ортидан эргаштиришга ҳаракат қилди.

Шуни айтиш керакки, Тошкент командасининг бошқа ветеранлари— Якубик, Церетели ҳам мазкур учрашувни юксак савияда ўтказдилар. Улар ўйинга бўлган маҳоратларини сарф қилдилар, ажабланарли бўлса ҳам ўзларининг ёш ҳамкасбларига нисбатан тезкорлик билан ҳаракат қилдилар. Келинг, навбати билан ҳикоя қилайлик.

Учрашув тошкентликларнинг аввалдан режалаштирилган ҳужумлари билан бошланди. Пахтакорчилар турнир жадвалининг энг сўнгги погонасини эгаллаб турган львовликлар учрашувнинг дастлабки пайтларида асосий эътиборни мудофаага қаратиб, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишади, деб тўғри тахмин қилишган экан. Амалда ҳам шундай бўлди. Меҳмонлар кўпроқ майдон эгаларининг ҳужумларини барбод беришга эътибор бериб, ҳужум ҳақида ҳатто ўйлашмас эди.

Тошкентликлар ҳужум қилишга қилишарди-ю, аммо ниҳоятда секин суръатда олдинга интилишарди. Ҳужумларни ҳам пухта тайёрлашга ҳаракат қилишар, шу сабабли улар бир-бирига икки томчи сувдек ўхшаб кетарди. Шунинг учун ҳам команда ветерани Броварский бошчилигидаги «Карпати» ҳимоячилари барча комбинацияларни осонликча барбод қилар эдилар.

Майдон эгалари тезкорлик билан, оригинал ҳужум уюштиришлари билан Львовликлар дарвозаси олдида хавфли вазият вужудга келди. Бундан ташаббусни Церетели ўз зиммасига олди. У тўпни қабул қилганидан сўнг шиддат билан жарима майдонига ёриб кирди ва ҳимоячини алдаб ўтди, дарвозабон Швойницкий унга қараб ҳаракат қилаётганини кўриб, тўпни дарвозанинг ҳимоя қилинмаган бурчагига йўллади. Аммо тўп тўсиннинг ёнгинасидан ўтиб кетди.

Ана шу дақиқаларда юбиляр ўз маҳоратини намойиш этди. Львовликлар биринчи марта ҳужумга ўтишган эди. Ҳужум комбинацияси майдон марказида бир неча ўйинчилар иштирокида тайёрланаётган эди. Аммо у бошланишидаёқ барбод бўлди. Нотўғри узатилган тўпни қабул қилиб олган Мачандзе «Карпати»нинг икки ўйинчисини алдаб ўтиб, олдинга интилаётган Якубикни кўриб қолди-да, тўпни дарҳол унга етказиб берди. Якубик шиддат билан икки ҳимоячи ўртасидан ёриб ўтиб, дарвозабон Швойницкий билан яккама-якка чиқди-ю, тўпни қарама-қарши ташланган дарвозабоннинг қўллари остидан дарвозага йўллади. Комбинация мастерларга хос тезкорлик билан ўтказилди. Гол ҳам чиройли бўлди. Биз тошкентликлардан ана шундай ўйинларни кутамиз.

Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг майдонда вазият бирмунча кескинлашди. Мудофаага асосий эътиборни қаратиб, тошкентликларнинг тезкорлик билан қарши ҳужумларда безовта қилиб туришга умид боғлаган львовликлар энди ўйин давомида ўз тактикаларига тузатиш киритишлари лозим бўлиб қолди. Меҳмонлар энди олдинга интилишлари, кўпчилик бўлиб ҳужум қилишлари лозим эди. Улар шундай ҳам қилишди. Аммо бу ҳаракатлар эсе кетди. Ташаббусни Юрчишин ўз зиммасига олишга уринib кўрди. У майдонда кўп ҳаракат қилар, у қанотдан бу қанотга ўтиб, тўпни қабул қилишга тайёр эканлигини кўрсатар эди. Лекин касалликдан сўнг майдонга тушган бу ҳужумчига тезкорлик етишмаётганлиги яққол кўриниб турарди. Диққат билан ўйнаган тошкентликларнинг ҳимоячиларини эса Юрчишин бирор марта ҳам алдаб ўтолмади. Львовликлар қанча ҳаракат қилишмасин, «Пахтакор» дарвозаси олдида бирорта ҳам хавфли вазият вужудга келтира олмади.

Аксинча, тошкентликлар ҳисобни оширишлари мумкин эди. Аввалига Мачандзе тўпни аниқ узатиб, Амриевни қулай вазиятда қолдирди. Лекин уни ҳимоячилар кўпол равишда тўхтатишди. Пак ҳам тўп киритиши мумкин эди. Аммо у қулай вазиятларда кўпроқ ҳимоячиларни алдаб ўтишга интилар ва оқибатда тўпни олдириб қўяр эди. Биринчи таймнинг охирларида эса Ивановнинг кучли зарб билан тепган тўпи дарвоза тўсини ёнидан ўтиб кетди.

Иккинчи тайм. Учрашув биринчи таймдагидек осойишталик билан ўтади, деб ўйлаган пахтакорчилар меҳмонларнинг активлиги тобора ошиб бораётганини кўриб, бир оз хайратда қолдилар. Львовликлар турнир жадвалининг сўнгги погонасини эгаллаб турганликлари ва ўз дарвозаларидан атиги бир тўп ўтказиб юборганликларини— демак, ҳисобни тенглаштириш мумкин эканлигини тушуниб ҳужумга зўр бердилар. Натижада ўйин тенглашди. Шунга қарамай, учрашувнинг иккинчи ярми қизиқарли ўтди, деб бўлмайди. Ҳар икки команда ниҳоятда суст ҳаракатлар билан ҳаракат қилганлиги туфайли дарвозалар олдида деярли хавфли вазиятлар вужудга келмади.

Учрашув охиридагина Дикий ва Юрчишин ҳисобни тенглаштиришлари мумкин эди. Аммо аввалига тўп тошкентликларнинг бўш дарвозасига етиб бормади, иккинчи ҳолда эса Нортожиев тўпни худди дарвоза чизиғидан қайтариб юборишга муваффақ бўлди.

25-тур учрашувларидан сўнг чемпионатнинг ягона пешқадами аниқланди. Киев динамочилари ўз майдонларида «Черноморец» устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар. Спартакчилар эса Ереванда маҳаллий «Арарат» командасига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Ҳозир киевликлар 38 очкога эга. Москваликлар эса улардан уч очко ортда бормоқдалар.

В. СТУЛИН.



СУРАТЛАРДА: майдон марказида; тўп дарвозага киритилди.
Р. Загратдинов фотолари.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 17 ФИКР

Я. ЭЦИНСКИЙ,
Ленинграддаги «Спортивная неделя» газетасининг футбол шарҳловчиси.

Учрашувни бир-бирига ўхшамаган икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи тайм иккинчисидан тубдан фарқ қилади. Ўйиннинг биринчи ярми майдон эгаларининг сезиларли устунлиги билан ўтди. Майдон эгалари меҳмонларнинг мудофаага кўпроқ эътибор беришларини ҳисобга олиб, тўғри тактика қўллашди. Пахтакорчиларнинг ҳаракатларини Мачандзе моҳирлик билан бошқариб турди.

Биринчи таймда Якубик ҳам кўп ва самарали хизмат қилди. У майдоннинг турли нуқталарида пайдо бўлиб, львовликлар ҳимоясига саросима солиб турар эди. Тошкентликлар бир неча марта Соловьев бошлаб берган комбинацияларни муваффақиятли якунлашлари мумкин эди.

Амриев ва Пакнинг ўйини хусусида алоҳида тўхталишни истар эдим. Мазкур тезкор ва маҳоратли ўйинчилар мураккаб вазиятларда совуққонлик билан ҳаракат қилиш малакасига эга эмас. Учрашув давомида улар ҳал қилувчи зарба бериш ўрнига кўпроқ ҳимоячиларни алдаб ўтишга овора бўлиб кетишарди. Натижада ҳужум суръати пасаяр, тўпни рақиблар олиб қўйишарди.

Учрашувнинг иккинчи таймини тошкентликлар қониқарсиз ўтказишди. Агарда рақиб команда бироз кучлироқ бўлганда, тошкентликлар ўта хотиржамликдари учун қаттиқ жазоланган бўлишар эди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

«ШАҲАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА ЧИҚАРДИ

Сценарий авторлари — АРКАДИЙ ВА ГЕОРГИЙ ВАЙНЕРЛАР.
Постановкачи-режиссёр — ВЯЧЕСЛАВ МАКСАКОВ.
Ролларда: ВИКТОР ШУЛЬГИН, НИКОЛАЙ ГРАЧЬЕ, МИХАИЛ ЧИГАРЕВ, ИННА АЛЕЙНИКОВА, АЛЕКСАНДР ПОРОХОВЩИКОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Москва жиноят қидирув бўлимининг навбатчилар хонаси. Пойтахтнинг қайси бир бурчагида қотиллик, қайси бир магазинида ўғирлик содир бўлгани биринчи бор шу ерда маълум бўлади, ҳуллас фильмнинг шиддатли сюжети шу ердан бошланади. Детектив жанр усталари ака-ука Вайнерлар (улар «Тунги визит», «Камбағаллик айб эмас», «Мен, терговчи», «Қўрқув шифоси» фильмлари ҳамда «Учрашув жойини ўзгартириш мумкин эмас» телефильми сценарийси авторларидир) оператив группанинг бир кунлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилишга ҳаракат қилганлар. Уларда тасвирланган воқеалар янги эмас. Омонат кассани ўғирлаш устидан бошланган жиноий иш фильмнинг асосий детектив линиясини ташкил этса-да, алоҳида кичик-кичик қизиқарли новеллалар фильм мазмунини янада бойитган.

Навбатчиликнинг бир куни. Изма-из қувиш, отишмаларга бой бу кун фильм қаҳрамонлари назарида бошқа кунлардан фарқи йўқдек эди. Ёш режиссёр Вячеслав Максаков ҳам фильмнинг ҳаққоний чиқиши учун уч ой навбатчи оператив группа билан бирга бўлди, сюжетлар Москва кўчаларида, Бутирская камоқхонасида, Петровка кўчасидаги 38-уйнинг йўлакларида суратга олинди. Профессионал актёрлар билан бирга милиция ходимлари ҳам суратга тушишди.

Мураккаб ҳаққоний характерларга детектив жанр уйдирмаларидан оз-моз қўшиб, ишончли ва аниқ деталларга бир оз сайқал берсангиз, ана шунда экранда сиз кўрадиган воқеа-ҳодисалар эътиборингизни бир дақиқа ҳам четга тортмайдиган завқли ва қизиқарли эканлигига ишонч ҳосил қиласиз.

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
Инглиз, немис, француз тилларини ўргатадиган
САККИЗ ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар олий ўқув юртларига кирувчилар ва кандидатлик минимуми имтиҳонларини топширувчилар, шунингдек кенг омма учун ўтказилади.
МАШҒУЛОТЛАР 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ СЕШАНБА ВА ЖУМА КУНЛАРИ СОАТ 19.00 ДАН БОШЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ.
Қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади: ректор номига ариза; маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси.
Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Сапёрная кўчаси, 11-уй, 10-хона (соат 17.00 дан 20.00 гача). Телефон 56-07-85.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси биносида трамвай-троллейбус абонементларини сотиш бўйича
МАРКАЗИЙ КАССА ИШЛАЙДИ

10 сўмгача миқдорда нақд пулга абонемент сотилади (квитанция ҳам берилади). **Абонементлар ва карточкалар тўлов поручениесининг нусхаси, банкнинг ишонч қоғози ва паспорт бўлгандагина сотилади.**
Ташкилотлар пул ўтказиш йўли билан 7 кун ичида абонемент ва карточкаларни олишлари зарур.
Кассалар соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди. Танаффус соат 13.00 дан 14.00 гача. Дам олиш кунлари— шанба, якшанба.
Ҳисоб-китоб счёти Тошкент шаҳар давлат банкининг Ленин район бўлимида.
Адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий кўчаси, 12-уй. Телефон 33-52-02.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича ҚЎШИМЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Секретарь-машинистка, секретарь-стенографистка, иш юритувчи, чизмачи-конструктор, ЭҲМ оператори, ЭҲМ программисти, ЭҲМ механиги.
Ўқиш муддати— 1 йил.
Етоқхона берилмайди.
Ўрта маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.
Стипендия— 30 сўм.
Курсларни битирганлар ишга жойлаштириладилар.
Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида аттестат, характеристика, 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат, 286-формадаги медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка, билим юрти директори номига ариза.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 84, Киров райони, Ҳуршид кўчаси, 45-уй (44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

«Главташкентстрой» «ЖИЛСТРОЙ» трестининг янги ташкил этилган 40-БОШ ПУДРАТЧИ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА
секретарь-машинистка, табелчи, бетончилар, монтажчилар, ғишт терувчилар, электрпайвандчилар, дурадгорлар
КЕРАК
Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланади, оилаликларга навбат билан квартира берилади.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
чет тилларини (инглиз, немис, француз) **ўргатадиган**
ПУЛЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тингловчилар билан машғулотлар кандидатлик минимуми программасида олиб борилади.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, Бош корпус, «Б» отсеки, 513-аудитория, соат 10.00 дан 17.00 гача.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
Ёшларни олий ўқув юртларига тайёрлайдиган
ПУЛЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАШҒУЛОТЛАР: математика, география, тарих, она тили ва адабиёт фанлари бўйича ўзбек ва рус тилларида ҳафтанинг чоршанба, шанба ва якшанба кунларида олиб борилади.
Курсларга ўрта маълумотлилар ҳамда 10 синф ўқувчилари қабул қилинади.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: институт ректори номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, иш жойидан характеристика ва 2 та фотосурат.
Машғулотлар 15 октябрь ва 1 декабрдан бошланади.
Ҳужжатлар қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳар, Олмазор кўчаси, 183-уй, 1—30-хона.

СССР Алоқа министрлигининг
Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1981 йилда техникумнинг кундузги ва кечки бўлимларига кириш учун (ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда) **таҳрирланадиган**
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати— 6 ой.
8—10 синф ҳажмида маълумотли, шунингдек 8— 10 синфда ўқиётганлар қабул қилинади.
Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Машғулотлар 1 декабрда бошланади.
Тайёрлов курсига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: техникум директори номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси, кундузги мактаб ўқувчилари ўқув жойидан справка).
Ҳужжатлар ҳар куни соат 14.00 дан бошлаб 2-қават, 205-хонада қабул қилинади.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қуйбишев кўчаси, 12-уй. Телефон 33-39-23.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
1 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ
ЯНГИ ПРОГРАММА
МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ — «ОЛИМПИАДА—80»ГА
(2 бўлимда)
«ДЕНГИЗ ЭРМАКЛАРИ» АТТРАКЦИОНИ
Доғистон АССР халқ артисти Михаил ИВАНОВ раҳбарлигида
АЙИҚЛАР БИЛАН ДОРБОЗЛАРНИНГ ЧИҚИШЛАРИ
Паузаларда масхарабозлар: Евгений АГАЕВ, Александр КОРНИЛОВ, Юрий СУЧКОВ.
Томошалар соат 19.30 да, шанба ва якшанба кунлари соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

1 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горнчилар, қардошлар!». 18.30 Молдавия ССР Давлат телевидение ва радиосининг хори ижро этади. 19.00 «МАМЛАКАТ ДАЛАЛАРИДА». УЗБЕКИСТОН ССР СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ШЎРЧИ РАЙОНИ ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ СОҲАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 И. Брамс. Якка овоз, эркаклар хори ва оркестр ижроси учун рапсодия. 20.25 «Крошинг таътиллари». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. «Динамо» (Тбилиси)— «Кастория» (Греция). 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Спорт программаси. Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги учун «Спартак» — «Женесс-эш» (Люксембург). 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сехрли самовар». Мультфильм. 18.30 «Тенгдошларнинг ижоди». 19.00 «Ленин партиясига шон-шарафлар». Узбекистонда Совет музикаси кунлари қатнашчиларининг якунловчи концерти. А. Навоий номли Давлат академик театридан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.). 21.00 «Ахборот». 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмоиингизга барака». 22.20 Лирик концерт.

2 ОКТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Халқ чолғуларининг овози». Балалайка. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Маданият бойлиги — халққа». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Ю. Казаков. «Ҳикоялар». 20.00 Спорт программаси: Футбол бўйича УЕФА кубоги учун. «Динамо» (Москва) — «Локерен» (Бельгия). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. «Левски-Спартак» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Болгариядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Биргалашиб куйлайлик дўстлар». Музикали программа. Танаффус пайтида (23.00)— «Дунё воқеалари».

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Узбекистон Ленин комсомоли мукофотига тавсия этилганлар. 19.00 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж (1 октябрда ёзиб олинган). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Фан» программаси. «Халқ хўжалигида ядро физикасининг қўлланилиши» (рус.). 20.15 «Атлас». Телевизион ҳужжатли фильм («Узкинохроника»). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармониясининг солистлари Ф. Солиҳов ва О. Отажонов концерти (такрорий). 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Шукур Бурхонов туғилган кунининг 70 йиллигига. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 1/Х да **Абу Али ибн Сино**, 2/Х да **Нодирабегим**, 3/Х да **Шошма, қуёш!**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 1/Х да **Олифта**, 2/Х да **Нурхон**, 3/Х да **Тўйдан олдин томоша.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/Х да **Кузингни каттароқ оч.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Москва цирки артистларининг гастроллари (19.30).

КИНО

1 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТ ГЎЗАЛ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66), **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ШАҲАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ИЛК БОР ТУРМУШГА ЧИҚЯПМАН»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ»— **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ФАХРИЙ ҚОРОВУЛ» — **Қозоғистон** (1-зал, жуфт соатларда, 2-зал, тоқ соатларда, телефон 35-24-92).

«АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР» — **Искра** (17, 20.00).

2 ОКТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҲАЁТ ГЎЗАЛ» — **К. Ерматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ШАҲАР ҚАБУЛ ҚИЛДИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда), **Дружба** (жуфт соатларда, телефон 66-15-75).

«ИЛК БОР ТУРМУШГА ЧИҚЯПМАН»— **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«СЕРЖАНТ ЦИБУЛЯНИНГ ДАЛА САФАРИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

Юкларни марказлаштириб ташиш Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш автотрестининг 127-автомобиль корхонаси коллективи корхона ҳайдовчиси Р. Юсуповга онаси
Ҳанрининсо ЮСУПОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-73-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

1 ОКТЯБРЬ, 1980 й. Р—16615 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2208. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10